

Носиржон УЛУҚОВ
Ҳавасхон СОЛИХҲЎЖАЕВА

ҲАБИБ САҶДУЛЛА
ШЕЪРИЯТИ
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЛУҚОВ НОСИРЖОН
СОЛИХҲЎЖАЕВА ҲАВАСХОН

*ҲАБИБ САҶДУЛЛА
ШЕЪРИЯТИ
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ*

Наманган – 2017

УЎК: 821 – 512 – 133 – 9

КБК: 84 (5 Ўзб) 7

У-7

Улуқов Носиржон, Солихўжаева Ҳавасхон.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси. – Наманган:
“Наманган” нашриёти, 2017. – 80 б.

Тақризчилар:

Ибодулла Мирзаев,
СамДУ профессори,
филология фанлари доктори
Мўминжон Сулеймонов,
НамДУ доценти,
филология фанлари номзоди

Рисола Наманган давлат университети Кенгашининг 2017 йил 10
мартдаги 7-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-389-18-2

© “Наманган” нашриёти

© Улуқов Носиржон, Солихўжаева Ҳавасхон





*Қарииш билмас болаликка ёр шоур,
Унур бүйи бола завқи бор шоур,
Дөгдә құйыиб ҳатто үйлар саногин,
Дангал қылғай кексаликдан ор шоур.*

Сўзбоши

Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла – Наманган адабий мухитининг йирик вакилларидан бири. Ҳабиб Саъдулла 1969 йили нашр этилган илк “Океандан шабадалар” (шоир Усмон Тоштемир билан ҳаммуаллифликда) тўпламидан кейин “Баҳор билан сұхбат” (1975), “Яна останангизда” (1982), “Эҳтиром” (1984), “Нур қадри” (1998), “Кўчамдан жонон ўтганда” (1992) каби шеърий тўпламлар, “Истиқлол достони” сингари асарларни яратиб, эл-юрт назарига тушди. Халқнинг кўнглидаги ҳақиқатларнинг шеърий ифодаси сифа-тида “Онаизор”, “Туғилган йилим”, “Тирик қурбонлар” каби поэма-трилогияси, “Еттинчи қитъя”, “Дўст қадри”, “Адиб қадри” достонларнни чоп эттирди. Унинг “Юсуф ва Зулайҳо” (1975), “Мехр қуёши” (1985), “Раҳмат, иғвогар” (1989) каби драмалари театрлар саҳнасини безади.¹

2002 йилда шоирнинг икки жилдли “Танланган асарлар”²и нашр этилди.

Улар шоирнинг ижод олами қамрови нечоғли кенглигини кўрсатиш баробарида, адабиётнинг деярли барча тур ва жанрларида самарали қалам тебратганлигини ҳам тасдиқлайди.

Адабиётшунос олим Н. Раҳимжонов таъкидлаганидек, “Одамнинг ўзи ва сўзи қадрланиши учун, аввало, у ҳаётни, тириклигини қадрлай билиши керак”, – деган бадиий-эстетик концепция Ҳабиб Саъдулла шеъриятининг гуманистик мазмунини, инсонпарварлик моҳиятини тайин этади.²

Ҳозирга қадар Ҳабиб Саъдулла ижоди Э.Мухамедов³, О.Носиров⁴, Э.Нурматов⁵, А.Тошхўжаевлар⁶ томонидан адабиётшунослик нуқтаи назаридангина ўрганилган. Шоир ижодини кенгроқ доирада адабиётшунос олим Э.Худойбердиев тадқиқ этган. Олим шоир ижодининг бадиий такомиллашувини, мавзу кўламини.

¹ Ҳабиб Саъдулла// Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2005 – 11-ж – Б. 251.

² Қаранг. Раҳимжонов Н. Шоирнинг бугдор сўти// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011. 6 май, № 19. – Б.

³ Мухамедов Э. Иккичи учрашув // Ўзбекистон маданияти, 1975, 31.Х.

⁴ Носиров О. Етуклукка қадам // Наманган ҳақиқати, 1975, 12..IV.

⁵ Нурматов Э. Яна останангизда... // Наманган ҳақиқати, 1983, 28.V.

⁶ Тошхўжаев А. Самиий сағрлар // Шарқ юлдузи. 1980. – №10. – Б. 223-233.

бадий маҳоратини ҳамда поэмаларининг мавзу ва гоявий жиҳатдан таҳлил қиласиди.¹

Сўнгги йилларда Шоҳсанам Эрманбетова шоир лирикасини, хусусан, унинг лирик характер яратиш маҳоратини ўрганишга қўл урди ва мақолалар эълон қиласи ҳамда рисола ҳам ёзди.² Хуллас, шоир шеърияти адабиётшунослик аспектида ўрганилган бўлса-да, тилшунослик, хусусан, лингвопоэтик нуқтаи назаридан тадқик этилмаган.

Шоир шеърлари тилининг ҳалқчиллиги ва соддалиги, жозибадорлиги ва ўйноқилиги, таъсирчанлиги ва бадийлиги, ўзгачалиги ва тақрорланмаслиги билан характерланади. Бу, албатта, шоирнинг бадий маҳорати билан боғлиқ бўлиб, лингвопоэтик изланишларни талаб этади.

Тил нутқ тузиб фикр, ҳис-туйғу, истак, ғам, шодлик кабиларни ифодалашда хизмат қиласидиган фонетик, лексик ва грамматик воситалар тизими, кишилар орасида асосий ва энг муҳим алоқа-аралашув, фикрлашув қуроли бўлиб хизмат қиласидиган ижтимоий ҳодиса сифатида бир қатор вазифаларни бажаради. Нутқ жараёнида турли мақсадларда тил воситаларининг имконият хусусиятларидан фойдаланиш **тилнинг вазифалари** дейилади.

Тилнинг жамиятда алоқа қуроли сифатида қўлланиши унинг коммуникатив вазифасини ташкил қиласиди. Бу тилнинг асосий ижтимоий вазифасидир. Демак, тилнинг алоқа-аралашув воситаси сифатидаги асосий вазифаси тилнинг **коммуникатив вазифасидир**.

Тилнинг коммуникатив вазифасида икки ҳодиса фарқланади:

1. Фикр олишув (алоқа-аралашув) вазифаси.
2. Хабар вазифаси.

Фикр олишув вазифаси тилнинг асосий вазифаси бўлиб, тил жамоасининг ўзаро фикр олишувидан иборат коммуникатив вазифасидир.

Тилнинг мантиқий (логик) мазмунини етказиш (билдириш)дан иборат коммуникатив вазифаси тилнинг **хабар вазифаси** дейилади.

Алоқа-аралашувда тил воситасида турли ҳис-туйғу, эмоция, таъсирчанлик ҳам ифодаланади ва бу тилнинг **эстетик ёки таъсир**

¹ Худойбердиев Э. Ҳабиб Саъдулла. – Тошкент: Ижод дунёси, 2004. – 152 б.

² Эрманбетова Ш. Ҳабиб Саъдулла лирикаси. – Тошкент: Мухаррир, 2012. – 59 б.

этиш вазифаси дейнлади. Айрим адабиётларда эса тилнинг эстетик вазифаси экспрессив вазифаси деб ҳам аталади.¹

М.Йўлдошев кўрсатганидек, бадий асар тили тадкиқига бағишиланган ишларда тилнинг айни “экспрессив вазифаси” термини билан бир қаторда “тилининг поэтик вазифаси”, “тилининг бадий вазифаси”, “тилининг эстетик вазифаси” каби терминлар ҳам қўлланади.

М.Йўлдошев талқинича, “эстетик вазифа тушунчаси экспрессивлик, бадийлик, поэтиклик каби бир қатор тушунчаларни ҳам ўз ичиға олган ҳолда уларни умумлаштира олади. Бошқача килиб айтганда, мазкур тушунчаларга қараганда эстетик вазифа тушунчалигининг қамрови анчайин кенг”.²

Тилнинг биринчи функцияси анъанавий ва систем-структур тилшуносликнинг ўрганиш обьекти бўлса, иккинчи функцияси лингвопоэтиканинг ўрганиш обьектидир.

Лингвопоэтика – лингвистик поэтиканинг қисқарган шакли бўлиб, бадий асарларда қўлланилган лингвистик бирликлар (фонетик, морфемик, лексик ва бошқалар)нинг бадий-эстетик вазифаларини, тилнинг коннотатив функциясини ўрганади. Бошқача айтганда, лингвопоэтика бадий нутқни ўрганувчи тилшуносликнинг бўлимиdir.³ Демак, бадий асар тилининг айнан эстетик вазифасининг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳа “лингвистик поэтика” – “лингвопоэтика”dir.


М. Йўлдошев фикрича, бадий асар тилини “стилистик аспект”да ўрганишни “бадий асар тилини лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш” тарзида номлаш ва талқин этиш мақсадга мувофиқ. Олим ўз қўлланмасида В.П.Григорьев тавсия қилган бир чизмани ҳавола киласди. Бунда Я – тилшунослик (языкознание), Л – адабиётшунослик (литературоведение), ЯК – лисоний танқид (языковая критика), ЛК – адабий танқид (литературная критика), ЛП – лингвистик поэтика, СВ – шеършунослик (стиховедение).⁴

¹ Карап Улиқов N. Tilshunoslik nazariyasi. – Toshkent: Barkamol avlod mediya, 2016 – В.

² Карап Йўлдошев М. Бадий матн ва уннинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 3.

³ Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 151.

⁴ Бу ҳакида карап. Ёкуббекова М.Ўзбек халк қўшикларининг лингвопоэтик хусусиятлари – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 21.



Чизмадан англашиладиган маъно шуки, лингвопоэтика ҳам адабиётшунослик, ҳам тилшунослик фанлари эришган назарий ютуқлардан фойдаланган ҳолда бадий матн устида тадқиқотлар олиб боради. Бизнингча, лингвопоэтик таҳлил кенг камровли жараён. Унда нафақат адабиётшунослик ва тилшуносликнинг, балки социология, психология, эстетика, фалсафа каби фанлар эришган илмий-назарий ютуқлардан фойдаланиш мумкин.

Лингвопоэтика тилнинг қайси сатҳ бирлигининг бадий-эстетик функциясини ўрганишига қараб фонетик поэтика, лексик поэтика, синтактик поэтика каби қисмларга бўлинади.¹

Ўзбек тилшунослигида бадий асар тилининг лингвопоэтик таҳлилига доир устоз тилшунослар Х.Дониёров, С.Мирзаев, X.Самадов, И.Қўчқортов, Х.Абдураҳмонов, М.Миртоҷиев, Н.Махмудовларнинг бир қатор асарлари яратилган.² Улар томонидан ўзбек тилшунослигида лингвопоэтикага доир олиб бориладиган тадқиқотлар учун дастлабки қадам ташланди.

Олий ўкув юртларининг филология йўналишлари ўкув дастурига “Бадий матннинг лисоний таҳлили”, “Бадий матн лингвопоэтикаси” каби фанлар киритилди. Бунинг натижасида бадий матннинг лисоний таҳлилига доир ўкув адабиётлари яратилди.³

¹ Нурмонов А., Искандарова Ш. Ўша асар, 152-б.

² Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати (бадий маҳорат ва тил ҳакида мулоҳазалар) – Тошкент: Фан, 1962; Абдураҳмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983.

³ Ўринбосев Б., Қўнгиров Р., Лапаев Ж. Бадий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Лапаев Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, 2000; Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007; Йўлдошев М., Ядгаров Қ. “Бадий матннинг лисоний таҳлили” фанидан амалий машгулотларни ташкил этиш. – Тошкент, 2007.

Сўнгги йилларда бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилига доир маҳсус тадқиқотлар олиб борилди, ўкув қўлланмалари, номзодлик ва докторлик диссертациялари яратилди.¹

Биз ўзбек тилшунослигидаги ана шу лингвопоэтикага доир тадқиқотларга таянган ҳолда Ҳабиб Сайдулла шеъриятининг лингвопоэтик хусусиятларини таҳлил қилдик. Албатта, бу кичик тадқиқот мазкур йўналишдаги илк қадам, ҳали изланиш ҳамда таҳлилу тадқиқлар давом этади. Шу бонс муаллифлар рисоланинг мукаммаллаштириш борасидаги барча таклифларни мамнуният билан қабул қиласидар.

¹ Каранг. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан ном. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2000; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан ном. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2000; Немматова Д. Чўлонон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол. фан. ном. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2000; Бобоҷонов Ф. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2002; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқики: Филол. фан. ном. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2003; Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқики. Филол. фан. ном. ... диссер. автореф. – Самарқанд, 2004; Сабирдинов А. Ойбекининг поэтик маҳорати: Филол. фан. л-ри. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2004; Жалолова Л. Абдулла Қодирийининг “Ўткан күпилар” романининг лингвистик тадқики: Филол. фан. ном. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2007; Қосимова М. Бадийи нутк индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тогай Мурод асарлари мисолида): Филол. фан. ном. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2007; Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси Филол. фан. ном. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2007 ва бошқалар.

**1-боб. Ҳабиб Саъдулла шеъриятида фонетик
воситаларнинг қўлланиши ва уларнинг лингвопоэтик
хусусиятлари**

1.1. Аллитерация ва унинг лингвопоэтик табиати

Ҳабиб Саъдулланинг ўз таъбири билан айтганда, уни “Ҳазрат Навоийнинг теранлигию, Бобурнинг санъаткорлиги, Оғаҳий газалиётининг ўйноқилигию Машрабнинг халқчилигини англаб етиш, жиддийроқ ишлашга ўргатди”.¹

Сенинг нафосатинг, сенинг лаззатинг

Ҳеч бир халқ тилидан қолишмас асло.

Сен билан сўзлашим ўзи зўр баҳтим,

Сени минг шоҳликка алишмам асло, – дея она тилини улуғлаган шоир тилнинг барча восита ва имкониятларидан юксак маҳорат билан фойдаланди, ўзбек шеъриятида ўзига хос услубини яратди.

Шоир шеърларида бир қанча бадиий, услубий воситалар ёнмаён маҳорат билан қўлланади. Биргина далил, қуйидаги шеърий бандда ҳам ўхшатиш, ҳам сифатлаш (*куёшдай заҳматкаши, қуёшдай ёниқ*) ва такрор айнан бир ўринда маҳорат билан қўлланиб, онанинг меҳру муҳаббатининг чексизлиги, бардошининг юксаклиги ўзига хос ҳабибона тасвирланган:

Мунча бардошилсан, эй она қалби,

Қуёшдай заҳматкаши,

Қуёшдай ёниқ,

Қуёшга ўнчага ўқ отилса, балки,

*Парча-парча бўлиб кетмоғи аниқ.*²

(“Чуст ривояти”, I, 159)

Шеър китобхонда эстетик ҳис уйғотиш учун, у даставвал, ахтирос билан ёзилган бўлиши лозим. Шундагина шеърнинг таъ-

Ҳабиб Саъдулла. Ўзим ҳакимдаги сўзим. Тартибга солинмаган таржимаси ҳол // анланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.17.

Саъдулла, Ҳабиб. Таъланган асарлар. 1-жизд / Масъул мухаррир Ҳ.Шарипов. – ошкент: Шарқ, 2002. – 448 б.; Саъдулла, Ҳабиб. Таъланган асарлар. 2-жизд / Масъул мухаррир Ҳ.Шарипов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 272 б. Барча шеърий парчалар шу инбалардан олингани боис, рисолада шеър сарлавҳасини, жилд. сахифа номерини ресатиш билан кифояландик.

сирчанлиги кучли бўлади. Шеърнинг эмоционаллиги эса вазн, ритм, қоғия, поэтик фігурапар, бадий санъатлар билан бирга поэтик фонетикага ҳам боғлик бўлади. Шеърни фонетик жиҳатдан пухта ишлаш, шеърга ўзига хос жозиба, оҳангдорлик ва эмоционаллик бағишлайдиган шеърда, – деб таъкидлайди йирик шеършунос олим Уммат Тўйчиев, – киши сезгисига таъсир этувчи оҳанг ва мусикийлик кучли бўлади, аммо бу оҳанг ҳамда мусикийлик нутқ товушлари комплексидан, маълум сўзлар бирикмаси ва нутқ бўлаклари алоқасидан келиб чиқади. Шуни ҳам айтиш керакки, алоҳида нутқ товушлари ёки ҳар хил фонетик усууллар ўз ҳолича конкрет бир мазмунни ифодалайди ва поэтик нутқни таъсирчан қиласди.

Ўзбекистон халқ шоини Ҳабиб Саъудлла шеърниятида поэтик фонетиканинг ўрни бекиёс. Шоин шеърнинг товуш томонига алоҳида эътибор қаратиб, шеър оҳанги тингловчидаги эмоционал ҳисстайғу уйғотиши учун маҳсус фонетик усууллар кўллайди, умуман, шеърни моҳирона “пардозлайди”.

Шоир шеърияти учун поэтик фонетиканинг асосан, аллитерация (ундошлар такори), ассонанс (унлилар такори), геминация (ундошларни қаватлаш) каби усууллари характерлидир.

Аллитерация термини грекча бўлиб, нутқда товушларнинг мос келишидир. Аллитерация шеърий нутқда мисралар, ундаги сўзлар ҳамда бўғинлар бошида ёки охирида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланиши асосида вужудга келади. “Аллитерация кўзга унчалик ҳам яққол ташланмаслиги мумкин, бироқ улар яққол “Эшитилади”: улар шеърнинг мусикийлигини оширади, хушоҳанглик орқали эстетик таъсирни кучайтиради.”¹ Бу борада Ҳабиб Саъдулланинг қўйидаги мисралари эътиборга моликдир:

Қаро қошиңг қароликда

Қаро түнни ҳароб этмиши.

(“Этмиш”, II, 93)

Қай кунуким, кун жамолинг

Қўрди бу кўз, дилрабо.

(“Бир гўзалким...”, II, 71)

¹ Қуронов Д., Мамажонов Ж., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.27.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвоноэтикаси

Ушбу мисралардаги “қ” ҳамда “к” ундошлари тақорорига асосланган аллитерация лексик маъно устига қўшимча шеърий “бўёқ”, тегишли оҳанг, жозиба бериш вазифасини бажарган.

Ҳабиб Саъдулла шеъриятида қофиядош, оҳангдош, сўзларнинг ёки бир хилдаги товуш ҳамда қўшимчаларнинг тақорорига асосланган аллитерация кўринишларини кузатиш мумкин.

а) қофиядош сўзлар аллитерацияси:

Висол – Сизсиз, Мұхаббат – Сиз

Ватан ҳам, эътиқод ҳам Сиз,

Вафо ҳам – сиз, Бақо ҳам – сиз,

Лазизсиз барча неъматдан.

(“Аёллар”, II, 106)

Ушбу шеърда аллитерация қофиядош сўзлар ва с товуши тақороридан юзага чиқмоқда. Мисралардаги лирик қаҳрамонни ифодаловчи олмошларнинг тақорори эса қатъий ҳукм, кучли таъкид, чексиз ҳурмат каби маъноларни ифодалавши баробарида, қаҳрамонимиз дилида кечётган беғубор ишқ туйғуларини нечоғли бебаҳо ва бекиёс эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳабиб Саъдулла шоир Абдуқаҳхор Faффорийга бағишланган “Алвидо” номли марсиясида лирик қаҳрамонга хос сифатларни ва унга халқнинг меҳрини оҳангдош сўзлар воситасида аллитерация санъати билан сайқаллаб, ажиб жозиба ва оҳанг билан ифодалайди:

Ишда саркор, тўйда дастёр, даврада сардор эди.

Сұхбатин олган кишилар бир умр ҳуммор эди.

(“Алвидо”, II, 169)

Ёки:

Борлиқда яшарииш, тозарииш, гуллаиш,

Қишининг қабоҳатли таҳти ҳам қулар.

(“Хуш келдинг”, I, 363)

Кўринадики, ҳар икки шеърий парчада ҳам аллитерация ўзаро қофиядош сўзлар тақороридан юзага чиқмоқда. Баъзи ўринларда эса, аллитерация қўшимчалар тақороридан ҳосил бўлганлигини ҳам кузатиш мумкин.

б) қўшимчаларнинг айнан тақороридан иборат аллитерация:

Чорлади ижодга, йўлга, сафарга

(“Шайхзода сабоги”, I, 430)

Әки:

*Хар күн хат оламан яқин – олисдан
Алмадан, холадан, тога-жияндан.*

(“Дүстимга хат”, I, 48)

Мазкур мисолларда дастлаб *ижодға, йүлга, сафарға* сүзларидаги жұналиш келишиги құшимчаси -га ҳамда *алмадан, холадан, тога-жияндан* каби қариндошлик маъносини ифодаловчи шахс отларига құшилған -дан чиқиш келишиги құшимчалари аллитерацияни ҳосил қылған.

Маълумки, келишик құшимчалари тильтуносликда синтактика муносабат ҳосил қилиш вазифасини бажаради, яңни сүзларни бир-бiriға боғлаш вазифасини бажаради. Ҳабиб Сағдулланинг мазкур мисраларида эса, бу аффикслар грамматик вазифа бажарыш билан бир қаторда аффиксал аллитерацияни ҳосил қылған:

*Самиимиятни ҳам,
Андишани ҳам,
Лутфу карашни ҳам,
Одоб – эсни ҳам,
Мехру оқибатни, инсонийликни –
Бир сүзге қылғиб жасам
Кексани құрсам ҳам,
Ёшни құрсам ҳам
Лабымдан учажасқ қалом –
“Ассалом!”*

(“Илк қадам”, I, 56)

Әки:

*Поездларда,
Самолётларда,
Трамвайды,
Саман отларда
Учқурлықда
Бүлиб гүё нур
Үтмоқда умр.*

(“Умр”, I, 134)

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Мисоллардан кўринадики, Ҳабиб Саъдулла шеъриятидаги аффиксал аллитерациялар асосан келишик қўшимчалари воситасида ҳосил қилинган. Демак, шоир бу қўшимчалардан услубий бўёқдорлик, фонетик оҳангдорлик ифодалашда унумли фойдаланган.

Шоир шеъриятида аллитерация ҳодисасининг қуйидаги шаклларда ҳам учрайди:

а) *б ва з* ундош товуши билан бошланувчи сўзлар аллитерацияси:

*Биз зиё айлаб тугилдик зим-зиё олам аро,
Бахтимизни боғлаб олди зил ҳаёт занжир бўлиб.*

(“Юсуф ва Зулайҳо”, II, 213)

б) *с* билан бошланувчи сўзлар аллитерацияси:

*Ел бўлсайдим, саратонда
Салқинлатиб ўтардим,
Само бўлсам юлдузларни
Сизга айлардим нисор.*

(“Ҳашарда”, I, 26)

в) *с ва б* товуши билан бошланувчи сўзлар аллитерацияси:

*Сизингсиз bog биёбондир,
Сизингсиз уй зимиштондир,
Сизингсиз бу ҳаёт маҳрум
Фарогатдан, ҳаловатдан.*

(“Аёллар”, II, 107)

г) *ш ва ж* товуши билан бошланувчи сўзлар аллитерацияси:

*Гул шаҳрим,
Гулзор шаҳрим,
Гиламдай гулдор шаҳрим.*

(“Софиниб келдим”, I, 37)

г) *м* сонор товуши билан бошланувчи сўзлар аллитерацияси:

*Менга мунис, менга дилбар,
Менга дилдорлигинг боис.*

(“Менинг баҳтим”, II, 83)

д) с ундош товуши билан бошланувчи сүзлар аллитерацияси:

Сенинг содиқ, сенинг ғамхұр.

Сенинг ҳүшёргиңінг бойс.

(“Менинг баҳтим”, II, 83)

е) к ундош товуши билан бошланувчи сүзлар аллитерацияси:

Қонингиз кезарди қайноқ қонымда.

(“Нечун...”, I, 196)

ё) к ундош товуши билан бошланувчи сүзлар аллитерацияси:

Келганды құксым осмон,

Кетгач құнғылда армон,

Боз ақли баркамолим

Келгайми, келмагайми?

(“Келгайми, келмагайми”, II, 41)

Ёки:

Қай кунуким, құн жамолинг

Құрди бу құз, дылрабо,

Бұлди, воҳки, бир құнғыл

Минг бир балога мубтало.

(“Бир гүзәлким...”, II, 71)

Демак, шеърнинг жозиба кучи, бадийлигини оширишда товушларни услубий құллаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу бойс Ҳабиб Саъдулла аллитерация санъатидан унумли, ўринли ва бадий маҳорат билан фойдаланган.

1.2. Ассонанс ва эпифоранинг лингвопоэтик хусусиятлари

Ҳабиб Саъдулла шеъриятида аллитерациядан ташқари, унли товушлар такрорига асосланган ассонанслар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Ассонанс (лот. *assonare* – уйғун жаранглыш; фр. *Assonance* – охандошлик) шеърий нутқда бир хил унли товушлар такрорига асосланган ифодавийликни кучайтирувчи восита, такрорнинг фонетик сатҳдаги хусусий кўриниши; шеърга хушоҳанглик баҳш этади, мусиқийликни кучайтиради. Масалан, Ҳабиб Саъдулланинг “Ой” номли шеърида о унлисининг такрори ассонансни юзага келтиради:

*Ой жамолингиз кўриб,
Оиуфтаҳол осмонда ой
Бир талашгач Сиз билан
Кўрку камол осмонда ой.*

(“Ой”, II, 50)

Шоир шеърларида ассонанс икки усулда қўлланилади:

1. Мисрада, бандда, жумлада бир хил унли товушларнинг охандорлиги асосида:

*Нигоҳингга мұяссар этдингу
Умрим узайтирдинг,
Узун умринга ҳамроҳ бўл, аё,
Умринг узун бўлсин.*

(“Умринг узун бўлсин”, II, 68)

Ушбу бандлардаги у унлисининг такрорланиши мисралар ҳам оханглигини, шунингдек, шоирнинг маҳбубига бўлган ўтинч, тиляк, истак ва миннатдорлиги каби самимий туйғуларини сокин ҳамда ҳазин охандга ифодалашга хизмат қилган.

Шоир шеъриятида асосан, *o*, *i*, у унли товушларига асосланган ассонансларни кузатиш мумкин:

*Болга тўлиб борди саҳий боғларинг.
Бағрин очиб борди сирли тоғларинг,
Шифо сувин тутди шўх булоқларинг,
Тароват касб этди шўр қишилоқларинг.*

(“Ифтихор”, II, 112)

Бу шеърий парчада, о унли товушининг кетма-кет такрорланиб келиши, шеърнинг жарангдорлигини, таъсиричанлигини оширган.

2. Куйидаги мисраларда эса ассонанс қофиядош сўзлар таркибида келиб, шеърий нутққа кўтаринки рух ва ўзига хос мусикийлик бахш этган:

*Сизмасми ишгитлар тушига кириб,
Оромин йўқотган хуши хаёл бўлиб.
Битта жилва билан минг бор күйдириб,
Сўнг ором бахши этган жусуфт, аёл бўлиб.*

(“Аёллар”, I, 328)

Ёки:

*Ҳар лаҳза ўтмоқда тенгсиз қадрингиз,
Кўзларим сафлардан излар қаддингиз,
Олмоққа тайёрман оғриқ, дардингиз,
Халқим хизматгари, Дишиодабегиз.*

(“Сиз бемор кунлари”, I, 329)

Мисоллардан кўринадики, шоир товушлардан турли услубий мақсадларда фойдаланишни уdda этган.

Унинг шеърларида товушлар такрори мисраларнинг қайси ўрнида такрорланишидан қатъи назар шеърга ўзгача жило, жозиба ва оҳангдорлик берган. Буни биз товушлар билан боғлиқ бўлган эпифора усули мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Эпифора такрорнинг бир тури бўлиб, товушлар тугалланиши ҳам деб юритилади. Демак, эпифора шеърий асарда сўзлар ва мисралар охирида айрим унли ёки ундош товушларнинг такрорланиб келиши². Масалан, эпифора шоирнинг “Ўйламай” номли шеърида мисралар охиридаги и унлисининг такрорланиши орқали юзага чиқади:

*Оҳ, дилни қанчалик гашлайди,
Дил гашлаб, кўзларни ёшлайди,
Гоҳ мени қиймалаб ташлайди.
Ўйламай айтшган битта гап.*

(“Ўйламай”, I, 317)

¹ Лапасов Ж. Бадний матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

² Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли lugati. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 366.

Шоир шеъриятида эпифора, асосан, қофия ва радиф вазифасидаги сўз такрори асосида юзага келган:

*Шодлик, сенга кучоқ очдим мен,
Қайгу, сени кулиб күтдим мен.
Кувонч, сени элга сочдим мен,
Алам, сени ичга ютдим мен.*

(“Шодлик, сенга”, I, 226)

Ушбу парчада қофияда ва мен кишилик олмоши таркибида тақрорланиши эпифора бўлиб, мисралар бошидаги шодлик, қайгу, қувонч, алам каби семантик жиҳатдан зид маъноли сўзлар таъзод санъатини юзага келтирган. Шунингдек, мазкур мисралар ўзининг бадиий соддалиги, равон ва мафтункорлиги, ҳарорат билан ёзил-ганилиги жиҳатидан ҳам эътиборга сазовордир.

Эпифора санъати шоирнинг “Бўлгаймукин”, “Ёрнинг куйида” номли шеърларида ундов, сўрок, таъкид маъноларини ифодалашга хизмат қилган:

*Қылмагай ким ёрга тортиқ құңглини,
Севгидан ким құрса ортиқ құңглини,
Пора қылсын ханжару тиг құңглини,
Ишқ қүйдирса бу ошиқ құңглини,
Сийна ичра ўт нечук пинхон қалай.*

(“Ернинг кўйида”, II, 136)

Еки:

*Келмишам дунёга найтай, дүстлар,
Рози дилни кимга айтай, дүстлар,
Рох түк, айтсамки қайттай, дүстлар,
Қайси бир дардымни айттай, дүстлар,
Үлмайин дардым адo бүлгәймүкін? .*

(“Бүлгаймукин”, II, 137)

Мазкур мисолларнинг дастлабкисида кўнглии, кейингисида дўстлар сўзлари таркибида айнан бир хил товушларнинг такрорланиши, эпифора бўлиб, у жойлашиш ўрни жиҳатидан радифга ўхшайди, бироқ радиф бутун шеър давомида такрорланса, мазкур икки шеърда такрор бир банддагина кузатилади. Шунга кўра биз буни радиф эмас, эпифора деб хисоблашимиз тўғрироқдир.

Хабиб Саъдулла шеъриятида мисраларнинг айрим ўринларида “қўш ундошлиқ” (геминация) ҳам кузатилади.¹¹ Тийлшунослик тер-

минларининг изоҳли лугати”да мазкур ҳодиса “икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши” сифатида изоҳланади.¹

“Ўзбек тили морфем лугати”да бу ҳодисани иккى хил:

1. Дастребаки геминанта (табиий – бирламчи геминанта) сўзнинг ўзи қўш ундошли бўлиши: ҳакка, ванна, металл, тонна каби.

2. Кейинги геминанта (ясама – иккиласмачи геминанта) ундош товушни турли мақсадлар учун тақоррланиши: *теракнинг учидা – теракнинг учидা* (ч+ч: экспрессия – кучайтириш учун тақоррланган)² деб изоҳланади. Геминация усули орқали бадиий асарда қаҳрамон руҳиятидаги хурсандлик ва хафалик ҳолатлари тугал тасвирлашга эришилади.

Ҳабиб Сайдулланинг “Келгайми, келмагайми” номли шеърида белгининг меъёрдан ортиқроқлигини ифодалашга хизмат қилган “шаккар (к+к)” лексемаси ясама геминнатанинг гўзал намунаси дип:

Гулгун лабида ханда,

Мен ҳар сўзига банда.

Шаккар лабида болим

Келгайми, келмагайми?

(“Келгайми, келмагайми”, II, 41)

Шоир шеъриятида ясама геминация асосан ҳумор лексемаси доирасида ҳам кузатилади. Буни куйидаги мисолларда кузатиш мумкин:

Икки кўзинг бўлиб боқур

Хўлкару Зухро,

Кошу ҳилолинг истарам

Хумор кечаларда.

(“Сафарда”, II, 14)

Ёки: *Ният ўлтурмоқ эрса,*

Деб эдим хуморлиг қилгай.

Заҳар тутгунча алдаб ҳам

Шакаргуфторлиг қилгай...

(“Умидим бу эдиким”, II, 142)

¹ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 143.

² Ғуломов А., Тиханов Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977 – Б. 394

Ёки:

*Үрик гулларида келинлар күрки,
Маъсум гунчаларда ибо, нафосат,
Куёш чекрасида барқ ураг қулги,
Нурлар қатимида тенгсиз тароват,
Наврӯзи олам – бу,
Хуммор фасл – бу.*

(“Бедор фасл”, I, 279)

Ёки:

*Бир умр васлингга абгорлигим ҳам,
Гоҳ бехуд, гоҳида ҳушёргигим ҳам,
Бойлик, давлатим ҳам, ночорлигим ҳам,
Бир умр васлингга хумморлигим ҳам,
Куйиб юрганимдан дөгингдә...
Севгилим!*

(“Севгилим”, I, 228)

Мисоллардан кўринадики, шоир руҳий оламида мавжла-наётган муштоқлик, интиклик каби бежилов кечинмаларни *хуммор* (*м+м*) кечаларда, *хумморлиғ* (*м+м*) қилгай, *хуммор* (*м+м*) фасл каби геминациялар орқали ифода этган.

Маълумки, тилда минглаб, ҳатто миллионлаб сўз бўлса ҳам буларнинг моддий асосини бир неча ўнлаб товуш ташкил қиласди.¹ Шеърда ана шу товушларни ноўрин қўллаш, меъёрдан ортиқ фойдаланиш номақбул сўз ўйинига олиб келади, натижада асарни юксак ғоявийлик ва бадиийликдан, таъсирчанликдан маҳрум қиласди.

Ҳабиб Саъдулла шеърларининг сехри, жозибаси шундаки, у товушларни услубий мақсадда ўринли қўллаш орқали, руҳиятидаги ички ҳаяжон, хурсандлик ва хафалик, розилик ва таажжуб, ялиниш ва ҳайратланиш, киноя, пичинг, кесатик ва олқиш, сўроқ ва норозилик ҳамда тилак-истак, қўллаб-куватлаш каби туйгуларни мохирона ифода этади. Бу жиҳатдан шоир услуги махорат мактаби сифатида баҳоланишга арзиди.

¹ Рустамов А. Сўз ҳусусида сўз. – Тошкент, 1987. – Б. 13.

2-боб. Поэтик тақрор ва синтактика воситаларининг лингвопоэтик хусусиятлари

2.1. Поэтик тақрорга асосланган шеърий унсурлар лингвопоэтикаси

Бадий асарда шартлилик, мажозийлик, рамзийлик катта аҳамиятга эга. Шунга кўра “бадий асарда ҳар бир сўз, товуш, сўз бирикмалари, гап ва гап бўлаклари ўз ўрнида ва меъёрида келади. агар товуш, сўз, сўз бирикмаси, гап ёхуд гап бўлаклари бадий асар гилида, хусусан, поэтик нутқда бемақсад тақрорланса, бу салбий ҳодиса – бадийликка хилоф иш хисобланади. Аммо тақрор, биринчидан, асар қурилмасидан мустахкам жой олган бўлса, иккинчидан, муайян эстетик-гоявий мақсадга хизмат қилдирилган бўлса, у бадий тасвир воситасига айланади”.

Хусусан, поэтик нутқда бадий тақрорлар катта роль ўйнайди. Умуман айтганда, “поэтик гояни ифодаловчи товуш, сўз, сўз бирикмаси, мисра, байт, банднинг шеър қурилмасидан муайян қонуният асосидаги тақроридан тузилган фонетик, лексик, морфологик, синтактик нутқ обороти бадий тақрорлар деб юритилади. Бадий тақрорлар поэтик нутқнинг ифодавийлигини оширади. Уларсиз шеърнинг мусиқийлигини, ритмини, вазнини, бандини ва қофия санъатини тасаввур қилиб бўлмайди. Бадий тақрорлар ўқувчи қалбига кучли ҳиссий таъсири этади. Тақрорлар, шубҳасиз, поэтик тилнинг образли тасвир воситалари ва шеър тузилиши унсурлари билан узвий биргаликдагина ўз вазифасини ўтайдолади”.¹

Ҳабиб Саъдулла шеърларида тақрорнинг турли хил кўринишлари қўлланган бўлиб, улардан энг фаоли анафорадир. Илмий манбаларда анафора (грекча *onaphora* – юқорига кўтариш) “шеърий мисраларнинг бошида шаклан бир хил оҳангдош сўз ва ибораларнинг тақрорланиб келишидан иборат услубий усул”, – деб таърифланади:

*Яхшики, ҳассага суюнмас олам,
Яхшики, итхона эмасдир дунё.*

(“Нечун”, I, 193)

¹ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. -- Тошкент Ўзбекистон, 2002. – Б. 431.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Шоирнинг ушбу мисраларидағи “яхшики” сўзини такрор кўллаши услубий жиҳатдан лексик анафорани ташкил этган бўлса, бадий жиҳатдан шоир ифода этмоқчи бўлган фикрлар залворини кучайтириш ва таъкидлашга хизмат қилган.

Шоир кўп ўринда сўзлар такрори воситасида маъно ва мазмун, хусусан, поэтик фикрни таъкидли, таъсирчан ифодалашга эришган:

*Ўша қомат, ўша латофат,
Үйқум олиб қочган шўх кўзлар...
Бугун нечун қилмас бетоқат,
Бугун нечун ёнмайди сўзлар.*

(“Учрашув”, I, 215)

Кузатишларимиз кўрсатадики, ўзбек шеърий нутқида, жумладан, Ҳабиб Саъдулла шеъриятида сўз бирикмаси, ҳатто гап шаклидаги анафоралар ҳам кузатилади. Шу боис биз анафоранинг қандай бирликлар билан ифодаланишига кўра қуйидаги турларга бўлишни лозим топдик:

1. Сўз шаклидаги анафоралар:

*Кошки утратмасам сени ҳар куни,
Кошки яшамасак бир маҳаллада.*

(“Сени айблолмайман”, I, 201)

Ёки:

*Гул кўриб гул юзларингни
Минг хижолат бўлгуси,
Гул – чаманга, Сен эса
Оlamга оросан, гулим.*

(“Гулим”, II, 57)

Такрор қўлланган “гул” сўзи дастлаб асл маъносида, бошқа ўринларда кўчма маънода сифатлаш (гул юзларингни) ҳамда мажоз (гулим)нинг гўзал намунаси бўлиб келган.

Хусусан, сўз шаклидаги анафораларда такрорланиб келаётган сўзнинг қайси туркумга мансублигига кўра от такрори, сифат такрори, олмош такрори, феъл такрори кабиларга бўлиш мумкин:

От такрори:

*Оналар заҳматин туйган авлод – биз.
Оналар чехрасин зафарон кўриб...*

(“Биз – шундай авлод...”, I, 184)

Қай олтин буюмга ташласам назар,
Заргар санъатини кўраман ҳар гал.
Заргар заҳматидан олмишидир сайқал,
Кўзини қамашитириб ялтировчи зар.

(“Заргар”, I, 28)

Ёки:

Инсон мұхаббати,
Инсон қадридан
Кўзлар нур эмади,
Қалб күч йигади.

(“Ўзбекистоним”, I, 211)

Сифат такрори:

Ширип орзулари ширип түши бўлиб
Ширип умидига бағишлар қанот.

(“Онаизор”, I, 167)

Ёки:

Ширип сўз умриимини айлагай узоқ,
Ширип сўзларнинг шайдосиман мен...

(“Бир оғиз ширип сўз”, I, 67)

Сон такрори:

Беши ойлик висолнинг ўтли томига
Беши йил азоб билан байдал тўлаган.

(“Қайтиш”, I, 426)

Олмош такрори:

Мен бўронда қолсам сени ўйлайман,
Мен тўфонда қолсам сени ўйлайман.

(“Яхшилик”, I, 32)

Унинг қўшигига созлаб дилимни
Унинг хоҳинини билдим зўр маёқ.

(“Сизни изладим”, I, 184)

Хабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Шоир “Менинг излаганим” шеърининг 3-, 4-, 6-бандларида сенки кишилик олмошини бир неча мисраларда тақорлаш асосида фикрни поэтик таъкид билан ифодалаш ва оҳангдорликни таъминлашга эришган:

3-бандда:

*Менинг излаганим сен эдинг танҳо,
Сенки – ишқу вафо, гӯзалик, ашъор.
Сенки – дил дардимга ягона даво,
Ёлгиз ҳасраткашим, мунисим, дилдор.*

4-бандда:

*Менинг излаганим сен эдинг танҳо,
Сенки – юрагимни қиздирган қуёш.
Сенки – дилдан оққан нолаю наво,
Лабимдаги кулгу,
Кўзимдаги ёши.*

5-бандда:

*Менинг излаганим сен эдинг танҳо,
Сенки – ишқ атамииш қудрат ва туйигу.
Сенки – ҳижронларга айлаб мубтало,
Тунлар китригимдан қочган ишҳук уйқу.*

(“Менинг излаганим”, I, 125)

Олмошлар воситасида ҳосил бўлган анафоралар шоир шеърларида кўп кузатилади.

2. Сўз бирикмаси шаклидаги анафора:

*Дилдор наво билан баҳор
Оғушига олмиши мени,
Дилдор наво оҳангиди
Сиздан садо келган куни.*

(“Сиздан садо”, II, 69)

Ёки:

*Ўшул кунким бойитдинг маънилар
Конин маҳолингдан,
Ўшул кунким бу дунё баркамол
Ўлди камолингдан,
Ўшул кунким мот этдинг болни ҳатто
ЛАфзи болингдан,*

Үшүл күнкім ёритдинг ҳусн
Айвонин жамолингдан,
Дили вайроним ишиңгінгга
Макон үлди, макон үлди.

(“Қачонким ул пари”, II, 146)

3. Гап шаклидаги анафора:

Етим қолди умидларинг,
Етим қолди мұхаббат.

Етим қолди ёлғызгинаң
Етим қолди уй-хона...

(“Онагинам”, I, 176)

Êки:

Үн саккиз ёш – севги ёши,
Ииқи-висол, ёнишилар.
Үн саккиз ёш – севги ёши,
Ёр деб үздан тонишилар...

(“Онагинам”, I, 175)

Күздан қочган уйқулар
Ипак бўлиб ўралгай,
Тонгдай шаффоф туйгулар
Ипак бўлиб ўралгай,
Меҳнатлару орзулар
Ипак бўлиб ўралгай.

(“Ипак мавсуми”, I, 104)

Шоир ўз ижодий концепциясини ҳам бадний такрор-ла “Бир шеър” сарлавҳали шеърида бетакрор жилолар билан ифода этган:

Бир шеър ёзмоқчиман, биттагина шеър,
Үнга тўжмоқчиман қалбимнинг кўрин.
Үнга тўжмоқчиман кўзларим нурин,
Бир шеър ёзмоқчиман, биттагина шеър.

(I, 92)

Кўринадики, шоир қўллаган анафорик такрорлар бир-бирини кувватляяпти, тўлдиряпти. Шу тариқа маънени кучайтириб, шеър-

нинг гоявий-эстетик ҳамда лингвопоэтик хоссаларини ёритишига хизмат қилмоқда.

Анафора услубий восита сифатида шеърда қуидаги вазифаларни бажаради:

1. Шеърга оҳангдорлик, жозибадорлик бахш этади:

Ранглардан иборат бу жаҳон,

Ранглардан иборат бу ҳаёт.

Ранглардан иборат ҳар инсон,

Ранглардан иборат коинот.

(“Ранглар”, I, 101)

Шоир “Ранглар” шеърида бадиий такрор воситасида дунёнинг турфалигини, ҳаётнинг ҳар куни ўзгачалигини, ҳар бир инсон ранглар мисоли турлича характеру хислатга эгалигини, қўйинг-чи, бутун коинот рангин эканлигини таъкидлайди. Бу банд такрор воситасида оҳангдор жаранглаши баробарида “Борлик ранглардан иборат, инсон уни ранглар воситасида англайди” деган фалсафий мушоҳадани ифодалайди.

Чиндан-да, ҳаёт мураккаб, рангларга, оҳангларга тўла. Максад манзилларига элтар йўл эса ўнқири чўнкурлардан иборат. Бир текисда, бир маромда бормайди, гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ. Шоир “Ранглар” шеъридаги “гоҳ” сўзининг такрори орқали ана шу зиддиятларни ҳам шоирона қаламга олган:

Ҳаётдир, кураидир бу ранглар,

Рангларда минг бир оҳанглар.

Гоҳ қувноқ, гоҳ ҳазин жаранглар,

Гоҳ кулар, гоҳ чекар оҳ-фарёд.

(“Ранглар”, I, 101)

Мазкур мисралар такрори силсиласида оҳангнинг алоҳида ўрни сезилади. Шунингдек, бу такрорий оҳангдорлик шеърга ўзгача жозиба ҳам бахш этганки, бу шеърхон эътиборини ўзига жалб қилади ва юрагига қадар етиб боришини таъминлайди.

2. Фикрни таъкидлашга хизмат қиласи:

Бизни сийлаганлар ёмонлик кўрмас,

Бизни ранжитганлар омонлик кўрмас.

Ёлгизликнинг ўзи осон эмасдур,

Бизни қийнаганлар осонлик кўрмас.

(“Ёлғиз ўғиллар”, I, 334)

Шоир бу шеърий парчаларда лирик қаҳрамонни ифодаловчи олмошларнинг анафорик тақрори асосида фикрни таъкидлашга эришган. Қуйидаги “Сенчалик” номли шеърида ҳам “ұеч кім” бўлишсизлик олмошини ҳар бир мисра бошида тақрор келтириш орқали қатъий хукм таъкиди таъсиран ғодалаган:

*Хеч ким сени севолмайгай,
Дилдор, менчалик,
Хеч ким мени ҳам этмагай
Абгор сенчалик.*

(I, 51)

3. Фикрни бўрттириб, кучли эмоция билан юзага чиқишига хизмат қилади:

*Бунда гапиради ҳатто суратлар,
Бунда тилга кирар ҳар хат, ҳар ҳуқсожат.
Бунда қурбонлар-ла қуриб сухбатлар
Ўқсик қўнгиллардан чекинар гурбат.*

(“Ўғлим билан сухбат”, I, 203)

Мазкур парчадаги тақрорий лексемалар маънони бўрттириб, кучайтиришга, диққатни тортишга хизмат қилмоқда. Шоир сўзларни услубий қўллаш орқали ўз руҳий оламида акс этган фикрлар оламига сухбатдошининг ҳам нигоҳларини қаратмоққа уринади.

Шоир шеъриятидаги тақрорий сўз ёки бирикмаларни мисралардаги жойлашиш тартибига кўра, эркин ва қатъий тизимли тақрорларга ажратиш мумкин:

1. Эркин бадиний тақрор:

*Бошқалардан кўра
Истарди кўпроқ,
Кўпроқ бўлсин, дерди ер билан ҳаво,
Кўпроқ керак эди ҳаттоқи, тупроқ
Кўпроқ,
Кўпроқ,*

Кўпроқ...

(“Замин садоси”, I, 249)

Ушбу парчада “кўпроқ” равиши биринчи, иккинчи, учинчи мисраларда бир марта, тўртинчи мисранинг ўзида эса айнан уч маротаба тақрорланган. Демак, “кўпроқ” сўзи эркин ҳолда тақрор-

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

ланган. Бу сўз шоирга “тўймаслик дардига гирифтор, очқуз” инсонлар киёфасини бўрттириб ифодалашда хизмат қилган, бадий таъкид сифатида шеър тилининг образли ва эмоционал тус олишига кўмак берган.

2. Қатъий тизимли такрор:

Икки “оташ”, икки “шаҳло”,

Икки “фаттон” кўзларинг.

(“Кўзларинг”, II, 31)

Ёки:

Десам севгим, десам эркам,

Бу сўз кам, жисм аро жонсан...

(“Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза”, II, 15)

Майли, мансабдорсан, майлига, гадо.

Майли, даҳрийдирсан, майлига, диндор.

(“Истиқлол қўшиғи”, I, 322)

Агар такрорлар маълум тартиб ва кетма-кетлик асосида қўлланса, қатъий тизимли такрор ҳисобланади.

Шеърий парчалардаги “икки”, “десам” сўzlари қатъий тизим асосида такрорланиб келган. Бу сўzlарнинг такрор келиши таъкид маъносини бериш учунгина эмас, балки эмоционалликни ошириш учун хизмат қилмоқда.

Биз юқорида шоир шеъриятида такрорнинг турли хил қўришилари қўлланганлигини айтиб ўтдик. Шулардан яна бири – учма-уч улаш ёки симплока деб юритиладиган такрор бўлиб, шоир шеърларида тез-тез кузатилади:

Онажон, бўлмагай лашкар ҳатарсиз,

Ҳатардан бехабар эдингиз у кун.

(“Чуст ривояти”, I, 155)

Бунда биринчи мисранинг охириди келган “ҳатарсиз” сифати, иккинчи мисранинг бошида “ҳатардан”, яъни келишик шаклида такрорланиб, ҳар икки мисрани бир-бирига боғланган.

Шоир “Хотима” шеърида ҳам улаш усулини шундай қўллайди:

Кунлар ўтган сайин тогдай юксалиб

Янада улуғвор сезилар қадринг.

Мен чорасиз қолиб – чиқсан мунгайиб

“Мунгайиб” сүзи, бириңчидан, учинчи мисра билан түрткінчи мисрани улаяпты – композиция жиҳатдан бир бутунлик хосил қылалапты ва, иккінчидан, шоирнинг мунгли ва хазин ҳолатини бошқа бир тасвир объектига күчириб, ҳар иккі тасвир объектини бүрттириб ифодалашга хизмат қылған. Шоир “Кошкийди” шеърида ҳам “жон” сүзи орқали мисралар боғланишини гүзәл намунасини яратған:

*Нодонлигидан бүлди дучор
Хижронга бу жон,
Жон дейди бугун чертмак учун
Соз айласалар.*

(“Кошкийди”, II, 75)

Мазкур шеърда құлланған тақрорий сүз, дастлабки мисрада “бу жон”, яғни “инсон рұхы” маъносини англатған бүлса, кейинги мисрадаги “жон дейди” бирикмаси таркибида истакни, хохишни ифодалашга хизмат қылған.

Күйидеги парчада эса мисраларнинг боғланиши “имон” сүзинің бириңчи мисра охирида ва иккінчи мисра бошида айнан тақрорланиши асосида юзага келған:

*Гар үртага қүйдинг дину имонни,
Имон – тинчлик эди менинг наздимда.*

(“Замин садоси”, I, 253)

Шоир шеъриятида учма-уч улаш усули мисралардан таішқарған бандларни ҳам бир-бирига боғлаганligини кузатиши мүмкін:

*Заминда ой каби порлаб,
Күёшдай шуъла сочмишилиз,
Биёбон ерда гул унмии
Сизинг нурдан, ҳароратдан.*

*Сизинг нурдан, ҳароратдан
Ҳаёт бошланғыш оламда,
Ҳаёт бошланғыш оламда
Тугилған илк мұхаббатдан.*

(“Аёллар”, II, 105)

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Мазкур мисолдаги сүнгги мисра айнан такрорланиб, кейинги банднинг бошида келиши асосида ҳар икки банд бир-бирига боғланган.

Куйидаги шеърий мисраларда эса боғланиш ва оҳангдорлик сиз кишилик олмоши ва 1-банддаги сүнгти мисранинг кейинги 2-банд бошида такоридан иборат симплока воситасида ифодаланган:

*Висол – Сизсиз, Мұхаббат – Сиз
Ватан ҳам, эътиқод ҳам Сиз,
Вафо ҳам – Сиз, Бақо ҳам – Сиз,
Лазизсиз барча неъматдан.*

*Лазизсиз барча неъматдан
Шу боис жсанг-жсадалларда
Йигитлар куч олур Сизлар
Ато этган жасоратдан.*

(“Аёллар”, II, 106)

Демак, биринчи банднинг охирги мисраси, иккинчи банднинг биринчи мисрасида айнан такрорланиб, мазкур бандларни бир-бирига боғлашга хизмат қилмокда.

Бундан кўринадики, шоир шеъриятида такрор сўзнинг маъносини таъкидлаш, кучайтириш учунгина хизмат қилмай, балки, маълум бир грамматик вазифа бажариши билан ҳам характерланади.

Мухтасар қилиб айтганда, Ҳабиб Саъдулла шеъриятида такрор муҳим ўрин эгаллайди ва асар ғоясини очиб беришда ўзига хос хусусиятга эга.

2.2. Шоирнинг синтактик воситалардан фойдаланиш маҳорати

Маълумки, поэтик синтаксис асар тилининг образлилигини, эмоционаллигини оширишда мухим роль ўйнайди. Шахсларнинг харакати, ўзаро тўқнашуви, ички дунёси ўзгаришини кўрсатишда поэтик синтактик воситаларнинг аҳамияти каттадир. Ҳабиб Саъдулла поэтик нутқнинг синтаксис курилишида инверсиядан моҳирона фойдаланади.

Поэтик инверсия – поэтик синтаксисга даҳлдор бўлиб, у шеърда гап бўлакларининг одатдаги тўғри грамматик тартибда эмас, балки шеър тузилиши талабларига мос тарзда ўрин алмашинуви туфайли юзага келади.¹ Инверсия синтактик усул, стилистик фигура сифатида гапдаги бирон бир сўз ёки сўз биримаси (гапнинг бир қисми)ни эмфатик ёки мантиқан ажратиш, шеърий нутқни ритмик-интонацион жиҳатдан ташкил этиш (қофияланувчи сўзни керак ўрнига ўтказиш), таъкидланмоқчи бўлган фикрга мантикий ургу бериш, уни кучайтириш, таъсиричанлигини ошириш каби мақсадларда кўлланади.

*Мен бўронда қолсан сени ўйлайман,
Мен тўфонда қолсан сени ўйлайман.
Сўнгсиз сувда қолсан сени ўйлайман.
Адаисам ё толсан сени ўйлайман.*

(“Яхшилик”, I, 32)

Мазкур шеърда инверсия ҳодисаси ўзига хос тарзида намоён бўлганини кўрамиз. Биринчи мисрага диққат қиласиган бўлсак, “Мен бўронда қолсан сени ўйлайман”, – сатрлари синтактик сатҳдаги нормадан оғиш бўлмаган ҳолда “Мен сени бўронда қолсан ўйлайман” тарзида берилиши керак. Инверсия ҳодисаси натижасида “бўронда қолсан” сўз кўшилмаси ва “сени” сўзи мисраларда ургули ҳолатга ўтади, айни шу сўзларга маъно ургусининг тушиши муаллиф ижодий ниятига, шеър мазмуни ва эмоционал тоналлигига мувофиқ келади.

Инверсия шеърга оҳангдорлик, образлилик, таъсиричанлик, жозибадорлик бахш этади. Шунга кўра, Ҳабиб Саъдулла шеърий жумла тузишда сўз танлаш ва уларнинг мисралардаги жойлашиш

¹ Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матиннинг лисоний таҳсили. – Тошкент, 2007. – Б. 61.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

ўрнига алоҳида зътибор қаратади. Буни биз шоирнинг “Сиз бемор кунлари” шеъридаги қуйидаги мисраларда ҳам кўришимиз мумкин:

*Олислаб кетгандай суянган тогим
Хувиллаб қолгандай қувонган богим,
Кўп бўлди дилхушдан дилтангроқ чогим,
Сиз бемор кунлари, Дишиодабегим.*

(“Сиз бемор кунлари”, I, 329)

Одатдаги тартибда ушбу мисралар “Суянган тогим олислаб кетгандай”, “Қувонган богим ҳувиллаб қолгандай” шаклида бўлиши лозим эди, бироқ бунда шоир ифода этмоқчи бўлган маъно келиб чиқмас эди. Бундан кўринадики, тилда ҳеч қандай сабаб ва мақсадсиз умумий коидадан чекиниш ҳодисаси бўлмаганидай, шеърда одатдаги тартибининг ўзгариши (инверсия) ҳам тасодифий ҳодиса эмас.

Хусусан, инверсия кўпинча шеър унсурлари – вазн, туроқ, қофия, банд тақозоси билан ҳам келиб чиқади¹ ва шеърга китобхонни сеҳрлайдиган қудратли куч, оҳангдорлик бағишлади.

“Таъкидлаш керакки, позицияда фақат кесим ёки загина инверсияга учраб қолмасдан, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ҳам инверсия ҳодисасига тез-тез учраб туради”². Шунга кўра инверсияни гап бўлакларига бир неча тури фарқланади:

a) эга ва кесим инверсияси:

Одатда эга гапнинг бошида, кесим эса гапнинг охирида келади. Шеър мисраларида услубий мақсадга кўра бу тартибининг ўзгариши “эга ва кесим инверсияси”ни келтириб чиқаради:

*Унутдир айрилиқ дардолари,
Унутдир ишларнинг ўтгани.
Унубиб тақдирнинг айбларин,
Келяпти интизор кутганим.*

(“Мен бугун”, I, 284)

Ёки:

*Нолийверма ҳадеб дунёдан,
Гар келмаган бўлса омадинг.
Бўшаниаса ҳасратдан одам,
Букилади адл қомати.*

(“Омад”, I, 137)

¹ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.154.

² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – Б. 452.

Хар икки ўринда ҳам шоир, гап бўлакларини грамматик қондалардан фарқли ҳолда, яъни кесимни мисранинг бошида келтириш орқали, иккинчи даражали бўлаклардан мазмунан ажратиб, мантиқий ургу беради ва китобхонни унга жиддийроқ аҳамият беришга ундаиди.

Шуни таъкидлаш жоизки, эга-кесим инверсиясида экспрессивлик эмоционалликка эришиш лозим бўлса, кўп ҳолларда кесим ҳаракатга келади, эгадан олдинги позицияга ўтади:

*Мени тинчитмаган шу қайноқ ишом
Сени ухлатмаган покиза меҳр.
Қалбларимиз нақши чин аҳду вафо,
Она алласидан олинган аҳир.*

(“Сенинг алланг”, I, 23)

Ёки:

*Хуши кечарми умрингда дамлар,
Кувончини кўриб баҳамлар,
Ё бошига тушиганда галилар
Талпинмаса сенга одамлар.*

(“Талпинмаса сенга одамлар”, I, 371)

Кўриб турганимиздек, ушбу мисолларда кесим эгадан олдинги позицияда келиши орқали, мисралардаги ифодалаликни, оҳангдорликни ва таъсирчанликни таъминловчи услубий восита сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

б) иккинчи даражали бўлаклар инверсияси. Илмий манбаларда “иккинчи даражали бўлаклар инверсияси”ни “тўлдирувчи-кесим инверсияси”, “ҳол-кесим инверсияси”, “аниқловчи-кесим инверсияси”¹ деб ҳам юритилади.

Ҳол-кесим инверсияси:

*Порлоқ туйгуларга этмишсан оинио,
Кенг багринг
Кенглиқдан ўргатган сабоқ,
Кўкўпар бинолар этган маҳлиё,
Анҳорнинг бўйида кезганман мушитоқ.*

(“Тошкент”, I, 375)

¹ Абдуллаев А. Ўзбек тили экспрессивлингвининг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 71.

Ёки:

*Битта япрогин ҳам ушлаб қолмоққа
Азамат чинорнинг етмасди кучи,
Забардаст қўлларин чўзиб ҳар ёққа
Тураг куз ишидан эс-ҳуши учиб.*

(“Куз экан-да...”, I, 138)

Бу мисраларда ҳол кесимдан кейинги позицияда келиши орқали ўзи англатган маънони кучайтириб, таъсирчанликни оширишга хизмат қилган.

Тўлдирувчи-кесим инверсияси:

*Денгиз паҳтазорга ўхшаб кетди,
Денгиз паҳтазорни эслатар менга.
Хаёл паҳтазорга мени элтади,
Паҳтакор, ўзимни ўҳшиатдим сенга.*

(“Денгизда”, I, 36)

Одатдаги тартибга кўра тўлдирувчи ҳолдан олдин келади, бу мисрада эса ўз позициясини ўзгартириб, ҳол ва кесимдан кейин келмоқда.

Аниқловчи-кесим инверсияси:

*Гоҳо эркалансан, тутгайсиз маъзур
Ҳаёт етмиси бир йил эркалатмаган
Йигит бўлиб қолсан навқирон, довқур,
Сизнинг хос соқчингиз бўлардим равишан.*

(“Дилдаги мактуб”, I, 437)

Одатдаги тартиб бўйича аниқловчи, эгадан кейин тўлдирувчи-дан олдин келади. Мазкур мисрада эса аниқловчи ўз позициясини ўзгартирган ҳолда мисранинг сўнгидаги “эга” ва “кесим”дан кейин келган, бу орқали таъкидланмоқчи бўлган фикр кучайтирилиб, таъсирчанликка эришилган.

Демак, Ҳабиб Саъдулла шеърларида инверсия ҳодисаси ўзига хос тарзида намоён бўлиб, лирик қаҳрмон кечинма ва туйғуларини характеристи, шиддати кабиларни ифодалаш орқали, шеърнинг экспрессив-эмоционаллигини таъминлаган.

Маълумки, бадий матн бадий эстетик бутунлик сифатида бениҳоя серқатлам ҳодиса ҳисобланади. Бадий матнда ифодалangan асосий гоя-фикр мазмунни тушуниш, англаш анча қийин ва

мураккаб ижодий жараёндир. Ҳар қандай матннинг мазмунини тушуниш учун тил лексикаси ва грамматикасини, бадиий матннинг ўзига хос лисоний поэтик қонуниятларини ҳам билиш лозим бўлади.¹

Бу эса ўз ўрнида бадиий матнга лингвопоэтик ёндашувни талаб этади.

Эллипс (юнонча. *elleipsis* – тушиш, туширилиш) – нутк унсурининг тушиб қолиши.²

Эллипсис бадиий нутқда кўп учрайди, ундаги тасвирийликни ошириш таъсирчанликни кучайтиришга ёрдам беради.

Эллипсисда бирон бир бўлак, баъзан морфологик кўрсаткич, баъзан эса фонетик бирлик маълум бир сабабга кўра тушириб қолдирилади. Туширилган бирлик гарчи тузилиши жиҳатдан мавжуд бўлмаса-да, мантиқий жиҳатдан маълум бўлади. Демак, тушриилган бирлик матнга ўзига хос баднийлик бера олади³.

Ҳабиб Саъдулла шеъриятида эллипсиснинг ҳам ўзига хос ўрни бор:

- *Ташлаб кетмадингми дўстларингни?*
- *Йўқ!*
- *Ачиндингми улар сендан тонсалар?*
- *Менда не ихтиёр,*
Менда не ҳуқуқ,
- Йўлда учраганлар йўлда қолсалар.*

(“Ёшлик шахри”, I, 265)

Мазкур парчада кейинги шахс нутқида эллипсис ҳодисаси кузатилади. Унинг жавоби қисқа, икки томонга тушунарлидир. Аслида берилган саволга тўлиқ жавоб “Мен дўстларини ташлаб кетганим йўқ” шаклида бўлиши керак эди.

Шунингдек, шоир шеърияти учун анафорик эллипсис ҳам характеристидир.

“Анафорик эллипсис гапдаги ана шундай такрор бўлаклардан бирининг стилистик талаб билан тушиб қолишидир”⁴. У содда гап доирасида ҳам, кўшма гап доирасида ҳам содир бўлиши мумкин.

¹ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 27.

² Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изохли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – Б. 133.

³ Ибрагимова Ф. Бадиий матнда эллипсис ва жим қолиш муносабати ҳусусида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. – №6. – Б. 18.

⁴ Тилшунослик масалалари: Илмий маколалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 251.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Ҳар қандай ҳолатда ҳам анафорик ноль кўрсаткичнинг мавжуд бўлиши билан характерланади. “Бу ноль кўрсаткич эса антоцедент сўз ифодалаган маънодаги сўз (яъни, тушиб қолган сўз)нинг ўрнини кўрсатади”¹

↔ ↓ ↔

Қотилни қон тутар, хоинни ажал

(I, 381)

Юқоридаги қўшма гапнинг биринчи компоненти таркибидаги антицедент тутар сўзи иккинчи содда гапда тушиб қолган ва у ноль кўрсаткичда ифодаланган.

Бу ўринда эллипсиснинг содир бўлишини антецедент сўзининг мавжудлиги ҳамда такрордан қочишга интилиш ва айтиломоқчи бўлган фикрни таъкидлаб кўрсатиш мақсади, яъни мазмун ва услугуб билан изоҳлаш мумкин.

Шоир шеърларида эллипсис маълум бир услубий мақсадга кўра ҳосил бўлади:

*Турмуш томув, ҳурмат бажсо
Дилларда ишиқ олови.
Ишиқ бор уйда ҳатто гўжса –
Девзиранинг палови.*

Ушбу мисолда “девзира гурунчнинг палови” тарзида гап “девзиранинг палови” тарзида кўлланиб, “гурунч” сўзи эллипсисга учраган.

Шунингдек, шоир шеърларининг сарлавҳаларида ҳам эллипсис кузатилади: “Мен бугун...”, “Ошиқ эсанг...”, “Йўклама-ган ҳар кунинг...”, “Севсанг...”, “Гулим, нечун...”, “Ажаб...”, “Ўша баҳор...”, “Нечун...” каби. Эллипсис шоир шеъриятидаги сарлавҳаларга, ўкувчи диққатини тортувчи ўзига хос жозиба, бадиийлик образлилик баҳш этади.

Ҳабиб Саъдулла шеърларининг ўзига хослигини таъминловчи поэтик фигуralардан яна бири – сукутдир.

Сукут тилнинг тежамкорлик тамойилига таянувчи услубий фигуralардан бири бўлиб, асосан, “саҳна асарларида кўп учрай-

¹ Тилшунослик масалалари: Илмий маколалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 251.

ди”¹. Бу усулни шоир күпроқ персонаж нутқида күллайди. Сукутни күлланиши эса бир неча турлидир:

а) лирик қаҳрамоннинг ортиқ даражада ҳаяジョンни, хавотири ни күрсатади:

*Күлфлөгтиқ дарвози – бамисоли ўқ,
Мажруұ үрагини баттар ёрмасми?!
Кимсасиз қолибди, чорбогимиз деб
Мияга тепмасми Одилнинг қони?!
То хабар бергүнча қүшинилар чиқиб,
Худо күрсатмасин... танҳо ўғлони...
Яна ўз шахдидан қайтади она,
Интизор күтмиқни ағзат күради.
Гоҳо шубұхаларга боради, яна
“Тирик”! “Тирик!” дейди ташна юраги.*

(“Түгілган йилім”, I, 167)

Шеърдаги нүкталар (сукут) онанинг фарзанди ҳақидағи ўй хаёлларидан үзининг чүчиб кетиши, хавотири кабиларни англағатади ва бу усул ўқувчига сўз билан ифодаланғандан кўра ортиқроқ таъсир этади.

б) диалогик нутқ шаклида учрайди:

- Яна қайтибсан-да?
- Ҳа, яна қайтдим...
- Түлишиб кетибсан...
- Не илож, ишлар...
- Сочингда кўпайиб қолмиши оқ қатиш...
- Бир уй бўлиб қолди қизу ўғиллар.

(“Ёшлик шахри”, I, 264)

Бу ерда сукут кучли ҳаяジョンни, ҳаёт қонуниятлари олдида инсоннинг ожиз эканлигини ифодалаш воситаси бўлган.

в) сукут фақат персонажлар нутқидагина учрамайди. Бу усул ёзувчи тилида ҳам ишлатилиши мумкин. Ёзувчи тилида сукут автомати сўз билан англатиш маҳол бўлган ҳолатни тасвирлаш учун кўлланади. Шоирга “Замин садоси” достонида уруш йилларидаги рухий аҳволини ифодалашда ҳам ана шу усул қўл келган:

*Зиддият,
Ихтилоф,*

¹ Лапасов Ж. Бадиинің матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқигувчи, 1995. – Б. 49.

Кўзларнинг ёши...
 Табассум ўрнида ингради нидо,
 "Уруш" деган сўзнинг
 Шу бўлди боши.

(“Замин садоси”, I, 246)

Бошқа ўринда шоир бу усулни урушда бевақт ҳалок бўлган ватандошлари ўлимидан саросимага тушганини ифодалаш учун ишлатган:

Гафлат босганими ... Ва ё...
Билмадим...
(Минг лаънат қотиллик тугилган онга!)
Шаҳид ётар эди қанча дилбандим,
Тандан жудо боши беланиб қонга

(“Замин садоси”, I, 247)

каби

Бундан ташқари, сукут бирор фикр ёки ҳодиса тасвирининг тугалланмаганлигини, давом этиши лозимлиги ёки мумкинлигини англатиш учун ҳам кўлланади.

“Адид тақдир” достонида шоир, ардоқли адид, Ўзбекистон Қаҳрамони халқ ёзувчisi Said Аҳмаднинг эллик йил олдинги мустабид тузум шароитидаги аянчили қисматини тасвиrlашда ушбу усулга мурожаат қиласди:

Қани энди худо лутф айлаб бир бор
Эллик йил орқага қайтарса умрин.
Кўрсатиб қўярди ишилашини тақрор
Эллик йил... Дарвоҳе...

Ёки:

- Отанг халқ душманни, ё тонасанми?
- ...
- Аканг халқ душманни, ўзингга аён.
- ...
- Гапир, душманлигинг тан оласанми?
- ...
- Илоннинг боласи барибир илон...
- Олиб чиқ!

(“Эллик йил бурун”, I, 413)

Улуқов Носиржон, Солихўжаева Ҳавасхон

Шоир “Онамнинг наздида” шеърида фикрнинг тугалланмаганлигини англатиш учун ушбу усулга мурожаат қиласиди:

Осонмас кўксингни тўлқинга тутмоқ,
Бардошинг етмаса гарқ бўлишинг бор.
Онаига аёндир балки бу жумбок,
Балки...
Бу кўчада топгандир озор.

(“Онамнинг наздида”, I, 111)

Ёки:

Мандат ҳайъатида турибман қайта,
Мехрибон боқишилар таниши чеҳралар:
– Шундоқ бўлиши керак бунақа пайтда,
– Қолиб кетишингга сал қолди...
– Агар...

(“Нечун...”, I, 196)

Демак, шоир шеъриятида эллипсис ҳам, сукут ҳам тилнинг тежамкорлик тамойилига таянувчи услубий фигура сифатида ўз аҳамияти ва ўрнига эга.

Шеърий нутқда риторик, синтактик бирликлар, хусусан, риторик сўроқ, риторик мурожаат, риторик ундов эмоционал экспрессивликни таъминловчи асосий услубий воситалар саналади.¹

Ҳабиб Саъдулла ҳам бундай воситалардан унумли фойдаланган.

Шоир жавоб талаб қилмайдиган, тасдиқ ва инкор мазмунига эга бўлган риторик сўроқ гапларни маҳорат билан қўллаган:

Буюк мақсад иўлида
Бир-бирин кечирмасми?!
Буюкликка даҳлдор
Менинг пишлакор ҳалқим.

(“Ипак мавсуми”, I, 103)

Ёки:

Гарчи асрларнинг тенгдои, сирдоши
Улугворлик даъво қиларми?!

(“Буюклик”, I, 105)

¹ Ўўлдошев М. Бадний мати ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 69.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Шоир шеъриятига хос риторик сўрок гаплар таркибида *наҳот*, *наҳотки*, *ахир*, *ҳатто* каби таъкид юкламалари қўлланиб, тасдиқ ва инкор мазмунли сўроқни таъкидли ифодалаш билан шеърий матнга эмоционаллик, ёрқинлик, таъсирчанлик баҳш этган:

*Айт-чи, ким баҳт топмиши қай маҳал,
Ишониб беҳуда рӯёга?!*

(“Мактоблар”, I, 119)

*Мунча гўзаллар кўп бу анжуманда,
Тароват базмига чиққанми қизлар?!*

(“Лаҳза”, I, 106)

*Наҳот эшиштганим рост бўлса, наҳот,
Гапир, эй қаршиимда мунгайған баҳор.
Дўстлари кетидан от суреб, ҳайҳот,
Равона бўлдими Абдулла Қаҳҳор?*

(“Абдулла Қаҳҳор хотирасига”, II, 175)

Айниқса, шоир лирик қаҳрамоннинг ҳайрату қувончини, шубхаю гумонини, газабу нафратини ифодалашда риторик сўрок гаплардан юксак маҳорат билан фойдаланган:

*Менсиз ҳам аёндир
Элда шавкатинг,
Зарурмас мадҳия битмогим.
Оlamга ёйи деб
Шону шуҳратинг
Шартии пойтиҳтиларга кетмогим?!*

(“Намангон учун”, I, 110)

Ёки:

*Тўртта гулроҳ кори боис
Отсалар тош богингга,
Мен нечун оҳ урмай, ўлкам,
Тонса гапдонлик шараф?!*

(“Шараф”, II, 88)

*Арзи ҳол айтса Ҳабибинг,
Кулма ҳолимдан, гўзал,
Ишқда куймай қайси шоир*

Шеъру девон айламиши?!

(“Нозлигим”, II, 92)

Ҳабиб Саъдулла шеърпятида ўзбек поэтик анаъаналариға мувофиқ тарзда риторик мурожаат шакллари тантанаворлик, кўтариқилик каби ижобий ва газабкорлик, айрим ўринларда киноя, кесатиш каби салбий мазмун нозикликларини ифодалашда ўзгача маҳорат билан қўлланган:

*Мен сиздан қўрқаман, дўстин сотганлар!
На таъна тошига тўлган сўзлардан,
Ва на қўрқитишидан чўчимам фақат,
Кўрқаман жодулын сизнинг кўзлардан.*

(I, 98)

Риторик ундовлар эса алоҳида оҳанг билан қувонч, шодлик, мамнунлик, илтимос, чақириқ, буйруқ, талаб каби поэтик мазмунни ва баъзан нафрат, қўрқинч ҳисларини бадиий тарзда ифодалашга хизмат қилган:

*О, қисмат, бунчалар бўлмасанг басир,
Чил-парчин қилдинг-ку Сулувхон дилин.*

(“Туғилган йилим”, I, 159)

Шоирнинг “Тирик қурбонлар” достони муқаддимасининг барча бандлари Ватанга бўлган риторик мурожаат билан поэтик жило топган ва шундай мурожаат билан яқунланган:

*Ватан!
Илҳом, деб топиндим Сенга,
Кўшиқ бўлмоқ истар бугун армонлар.
Кел, оқ фотиҳа бер шоир ўглинга,
Сенга дардин айтуртирик қурбонлар.
Нурга чанқоқ кўзим очган замонлар...*

(I, 183)

Шоирнинг аксарият шеърлари турли ҳодисаларга риторик мурожаат билан бошланиб, шундай тугалланган.

*Шодлик, сенга қучоқ очдим мен,
Кайгу, сени кулиб куттим мен.
Қувонч, сени элга сочдим мен,
Алам, сени ичга юттим мен.
Ҳасад, сенга қилмадим парво,*

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Ҳавас, сенинг бодиганда ундиш.
Не тонг, боқий зумат ва зиё,
Ҳаёт, сени шундай тушундим.

(I, 226)

Марҳабо азизам, марҳабо,
Измишегда қолгумдиш тоабад –
Эй, қайта түгслиб ҳар баҳор.
Күйлатган биринчи, муҳаббат!

("Мен бугун...", I, 284)

Эй поклик маскани,
Эй, мулки иймон.
Умрим мазмунига зийнат Наманғон!

("Юртимга", II, 291)

Шоирнинг машҳур "Тазарру" шеърининг барча бандлари риторик мурожаат-ла сайқалланган бўлиб, ўзбекона лутф, диний эътиқод, тавба-тазарру унинг воситасида бетакор бадиий жилваланган:

Чекинди кўнгилттар мулкидан уят,
Каттага ҳурмату, кичикка иззат,
Бу қандоқ замона, қандоқ жасият,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

("Тазарру", I, 325)

Шунингдек, поэтик нутқда бирликларнинг ёрдамчи восита-ларсиз ҳам боғланиш ҳолатлари кузатилади. Асиндетон (гр. asyndeton – боғланмаган сўзидан) – уюшик бўлакларнинг, сўз ва гапларнинг матнда ҳеч қандай боғловчиларсиз қўлланиши. Асиндетон нутқни ихчамлаштириш баробарида, ифодалиликни кучайтиради, шеърга оҳангдорлик, шиддаткорлик ва жозиба бағишлади:

Она юрт, голиб деган
Унвон муборакдир сенга;
Манзитга етган ул
Карвон муборакдир сенга,
Кўкка бўй чўзган буюк
Хирмон муборакдир сенга,
Мустақиллик тұхфаси

Имкон муборакдир сенга,
Донг муборакдир сенга,
Шаън, шон муборакдир сенга...

(“Муборакбод”, II, 120)

Бандда бир неча қўшма гаплар асиндетон усулида боғловчиларсиз боғланиб, кутлов мазмунни кўтариинки оҳанг ва поэтик жозиба билан ифодаланган.

Шоир Қулдус Муҳаммадийга бағишлиланган кутлов-мувашахида ҳам бошқа шеърлари каби асиндетон усулидан унумли фойдаланган:

Кариш билмас болаликка ёр шоир,
Умр бўйи бола завқи бор шоир,
Догда қўйиб ҳатто йилар саногин,
Дангал қўлгай кексаликдан ор шоир.

(“Болаликка ёр шоир”, II, 166)

Шунингдек, мисралар охирида такрор-такрор қўлланган шоир радифи мувашишах мазмунини яна бир даражага кўтарган.

Асиндетоннинг акси полисиндетон деб юритилади. Полисиндетон – шеърий матнда фикрни таъкидлаш ва бошқа мақсадларда айни бир боғловчини такрор қўллаш. Масалан,

Гаҳе саҳро узори
Лола шаклидан эрур гулгун,
Гаҳе саҳни чаман
Гул чехрасидан аргувондур.

(“Бобур газалига мухаммас”, II.126)

Ҳабиб Саъдулла айрим шеърларининг барча бандлари полисиндетон билан сайқалланган. Масалан, “Агар сен...” номли 7 бандли ғазалнинг 6 бандида, “Ошиқ эсанг...” ғазалининг тоқ, яъни 1-, 3-, 5-бандларида агар шарт боғловчиси қўлланиб, матнга ўзгача оҳангдорлик ва жозиба баҳш этган:

Агар сен норасо бўлсанг,
Бу олам норасо сенга,
Ҳаётга нораво бўлсанг,
Ҳаёт ҳам нораво сенга.

Бу дунё кори шундоқким,

Топурсан ҳар не изларсан,
Агар сен ошино бўлсанг,
Бўлурсан ошино сенга.

(“Агар сен...”, II, 7)

Ёки:

1-баннда:

Агар ошиқтигинг ростодир
Дегайтар: хону-мондин кеч.
Муҳаббатнинг бозори йўқ,
Демак, суду зиёндан кеч.

3-баннда:

Агар шоҳонадир қасринг,
Нигоринг босмаса одими,
Фақирлик ихтиёр этгил,
Гарип ул ошиёндан кеч.

5-баннда:

Агар жисслинг қилур қалик,
Висол улмиидида ошиқ,
Тумтоб ушишоқ йўлин сен ҳам
Ўшиал шайдои жондин кеч.

(“Ошиқ эсанг...”, II, 91)

Шоир шеъриятида *агар* ва унинг фонетик вариантлари *магар*, *гар*, *гарчи* боғловчиларининг фаол қўллананини кузатилади:

Магар фасли ҳазон келди,
Сўлиши йўқдир, сўлиши йўқ,
Магар бу дард ёмон келди,
Ўлиши йўқдир, ўлиши йўқ!

(“Ўлиш йўқ”, II, 101)

Демак, шоир шеъриятида бирликларининг боғловчи воситаларсиз бирикиши ҳам ўзига хос поэтик гўзаллик яратади.

З-боб. Ҳабиб Саъдулланинг лексик-семантик ва услубий воситалардан фойдаланиш маҳорати

3.1. X. Саъдулланинг метафора ва метонимиядан фойдаланиш маҳорати

Тилда ҳар бир унсурнинг ўз вазифаси, маъно доираси, бошқа унсурлар, бирликлар билан боғланиш қонуниятлари мавжуд. Ана шу қонуниятлардан мукаммал боҳабар бўлган, бадиий диди, сўз сезгиси ва маҳорати юксак ёзувчи бетакрор тасвир, кутилмаган, оҳорли бадиий лавҳалар, сўз чақинларини пайдо қила оладики, китобхон адабининг нафақат гояси, балки гўзал тилининг асирига айланади. Бунда ёзувчи умумхалқ тилидаги бадиий тасвирга фавқулодда мувофиқ бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, лисоний-бадиий қонуниятлардан келиб чиқсан ҳолда уларга юклangan хилма-хил бадиий-эстетик маънолар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Сўз қўллашнинг санъат даражасида ёки санъат даражасида эмаслигини баҳолаш учун, энг аввало, сўз, унинг маъноси ва бу маънонинг тузилишини аниқ тасаввур этиш лозим. Албатта, сўзнинг қўллашиши билан боғлик ҳолда юзага чиқадиган қўшимча маъно нозикликлари, мазмун ўзгачаликлари турли тасвир усуллари ва воситалари орқали реаллашиши мумкин.¹ Ана шундай воситалар сифатида кўчимларни мисол келтириш ўринлидир.

Кўчимлар дейилганда “адабий асарнинг бадиий қимматини, ифодалилигини, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилиши”² назарда тутилади. Сўз маъносининг кўчиш жараёнлари турли кўринишларда воқе бўлади.

Кўчимларнинг асосида икки нарса ёки тушунчани қиёслаш ётади, яъни икки нарса ёки тушунча ўртасидаги муайян муносабат (ўхшашиблик, умумийлик, алоқадорлик каби) асосида тасвирийлик, ифодалилик, аникликни кучайтириш мақсади билан улардан бирининг номи иккинчисига кўчирилади. Шунинг учун ҳам кўчимлар ўзига хос тасвирий воситалар сифатида нутқнинг ифодалилигини,

¹ Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асосларп. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 49.

² Шомаксудов А., Расулов И., Қўнгиров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 236.

Ҳабиб Саъдулла шеъриятии лингвопоэтикаси

шеърнинг эмоционал-экспрессив бўёйдорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.¹

Ҳабиб Саъдулла ўз услубига ва ўткир қаламига эга шоир сифатида кўчимлардан унумли фойдаланади. Бу унинг бевосита ўзи яратган, ўткир кўзи, кўламли тасаввuri ва бепоён тахайюли, зийрак кузатишлари маҳсули сифатида юзага келган бетакрор метафораларда ўз ифодасини топган.

“Метафора (юн. *metaphora* – кўчириш) – маъно кўчишининг кенг тарқалган турларидан бири, нарса, ҳодисалар орасидаги ўхашашликка асосланувчи кўчим тури”² дир.

Китобхоннинг диққатини тортиш, унда кўпроқ тасаввур колдириш, эстетик дидини ошириш мақсадида метафораларнинг турли хил кўринишларини қўллайди:

1. Фазо жисмларига хос белги хусусиятларга асосланган метафоралар:

*Куйла, ҳалқинг берган созингни янграт,
Саҳна юлдози,
Ўзбек қўшиқларин дилга сингдириб,
Баҳш этсанг ҳузур,
Шаънинга ёғилар эллар олқиши
Юраклар сўзи...*

(“Сен куйлаганда”, I, 27)

Ёки:

*Ой жамолингиз кўриб
Ошуфтаҳол осмонда ой,
Бир талаигач сиз билан
Кўрку жамол осмонда ой.*

(“Ой”, II, 50)

Дастлабки мисолда шоир, қўшиқ оламидаги юзлаб ҳофизлар орасидан, ўзининг бетакрор сози ва мафтункор овози билан ажралиб, ёркин нур сочаётган ҳофизга нисбатан “саҳна юлдози” метафорасини қўллайди. Бунда шоир юлдузнинг нур сочиб, кўзга ташланиши каби белги-хусусиятларига асосланган. Кейинги мисол-

¹ Махмудов И. Ўқигтувчи нутки маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси изартиёти, 2007. – Б. 169.

² Қурбонов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Алабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академиашир, 2010. – Б. 169.

да эса, шоир ёр юзини ойга қиёслаш орқали метафорик эпитетнинг гүзал намунасини яратган.

2. Үсимлик, дарахтларга хос бўлган белгиларга асосланган метафоралар:

*Кўши чинор қулади юртимда ногоҳ,
Ларзадан титради мулки Намонгон.
Адл турганида сезмабмидик, оҳ,
Йикилгач, алпилиги бўлди намоён.*

(“Йўқотиш”, I, 332)

Ёки:

*Бирор тил тигида багрин тилганда
Бирор томирига болта урган дам.
Сукут сақладилар гуноҳ қилгандай,
Ҳатто соясида улгайганлар ҳам.*

(“Йўқотиш”, I, 332)

Ушбу мисолларда қўлланган “кўши чинор”, “тил тиги”, “соясида улгаймоқ” каби метафоралар шоир нутқининг образлилиги, таъсирчанлиги, экспрессивлиги учун хизмат қилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тилимизда ҳайвон номлари билан боғлиқ метафоралар¹ ҳам шоир шеърияти учун ҳам характерлидир.

Ҳайвон ва парранда номларини билдирувчи зооморфик метафоралар нафақат нарса-предмет, балки инсонларнинг характер-хусусияти, ҳаракат ва ҳолатларини ҳам таъсирчан ифодалаб бера олади. Буни қуйидаги мисоллар орқали ҳам кўришимиз мумкин:

*Гарчи сен олтинсан, чўян дегайлар,
Бол тутсанг, бу заҳри чаён дегайлар,
Арслон бўлсанг ҳамки, қуён дегайлар,
Тоганг бўлмаса гар юқорироқда.*

(“Тоғаларинг бўлса”, I, 320)

Ёки:

*Гапир, душишнилигинг тан оласанми?
— ...
— Илоннинг боласи барибир илон...
Олиб чиқ!*

¹ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.28.

Ҳайвон номлари метафора йўли билан кўчирилганда баъзан сўз бирикмаси ёки гап ичида бўлиши талаб этилса, баъзан эркин ҳолда ҳам маънони англата олади. Қиёслаймиз:

Эй, им, қўй, кўнглинига сола қўрма гаи,
Бориб ётишавер, сен ўз тенгингга.

(“Ривоят”, I, 408)

Княз қаҳ-қаҳ отар,
Шоҳ талвасада.
– Ос, – деди, – имонсиз қари қўппакни!
Кўз ўнгига ота қурбон бўлса-да,
Княз рано билмас кўз ёши тўқмакни.

(“Дўст қадри”, I, 358)

Олис ўлкаларга қўзим, кета қол,
Розиман келласа биронта хатинг.
Танлаган қизингни хотинликка ол,
Бевалар қўйнида чоғ айла вақтинг.

(“Онанинг бемор ўғлига деганлари”, I, 41)

Биринчи мисолда “им” сўзи кўчма маънони ифодалаш учун маълум гап қуршовида бўлиши талаб қилинаётган бўлса, 2- ва 3-бандларда қари қўппак ва қўзим сўzlари маънони эркин ҳолда ҳам ифодалай олган.

Демак, Ҳабиб Саъдулла шеъриятида метафора китобхоннинг ҳис-туйғуларини ифодалаш, эстетик завқини уйғотиш, умуман, мисраларнинг бадиий қимматини ошириш мақсадида моҳирона қўлланган.

Ҳабиб Саъдулла шеъриятида кўчимлар мисраларни безаш учун ишлатилмайди, балки мазмун талаби билан берилади.

Кўчимлар бир неча турли бўлиб, улар орасида метонимиya (икки тушунча ўртасидаги яқинлик) усули ҳам учрайди.¹ Метонимиya шоир икки тушунча ўртасидаги яқинликка асосланиб, бирор ҳодисани бошқа шунга яқин воқеа, ҳодиса билан алмаштиради:

Нолийверма ҳадеб дунёдан,

¹ Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.24.

Гар келмаган бўлса омадинг.

Бўшамаса ҳасратдан одам,

Букилади адл қомати.

(“Омад”, I, 137)

Ёки:

Ҳазрат Навоийдан то бизга қадар,

Турли қиёфада келар бу қадар,

Тузатмоқчи бўлсанг дунёни агар,

Тўғри гапни айтиб кулгуга қолма.

(“Зиёвуддинга”, I, 365)

Келтирилган ҳар икки мисолдаги “дунёдан” ҳамда “дунёни” сўзларидан, дунёда яшаётган одамлар, яъни ҳалқ маъноси англашилади.

Яна шундай метонимия қуйидаги бандда ҳам кузатилади:

Бугун камолингда бўлмиши намоён

Мустақилик руҳи, қудрати, кучи.

Суқланиб бораркан бастингга жаҳон,

Жон нисор бир ютум ҳавонг учун.

(“Тошкент”, I, 377)

Метонимия шоир тилида сўзларни ниҳоятда тежаб-тергаб ишлатиш учун қўл келган:

Мугамбирлик билан иршайди шоҳ,

Аркони давлат боз чалди қарсак.

– Элчиларим борар, этингиз огоҳ,

Шодмиз янги дўстни шу ерда кўрсак.

(“Дўст қадри”, I, 353)

“Дўст қадри” достонидан олинган ушбу парчада метонимия бир қанча сўзларни тежаб қолишга ёрдам берган. Зотан, “аркони давлат” қарсак чалган эмас, балки унда яшаётган одамларнинг қарсак чалгани назарда тутилади.

Шоир шеъриятидаги метонимияларнинг катта қисмини, жой номлари билан алоқадорлик асосида юзага келганлигини кузатиш мумкин:

Бугун куйлар ҳазин, чеҳралар сўлгин,

Ҳабиб Саъдулла шеъриятиши лингвопоэтикаси

Она – Ўзбекистон тұтмоқда мотам.

Ё раб, она бұлмоқ қанчалар қийин,

Үндап оғирроқдир бұлмоқтык Ватан.

(“18 февраль – мотам”, I, 386)

Икки ишткі сенсиз яшар Наманғон,

Бир сүні узылғандай гүё торидан.

Богидан камайди битта газахон,

Бир япроқ узылған алп чиноридан.

(“Хотима”, I, 362)

Мазкур шеърий парчалардаги она – Ўзбекистон ҳамда Наманған топонимлары халқ, ахоли, одамдар маъносидә қўлланган.

Умуман, метонимия поэтик мазмунни образли, таъсирили ифодалашга хизмат қиласди. Услубий восита сифатида эса, фикрни ихчам ва лўнда баён этилишини таъминлаган.

Ҳабиб Саъдулла шеъриятида, нарса ёки тушунчалар ўртасидаги бутун-бўлак муносабати асосида бирининг номини иккинчилигига кўчириш тарзида талқин этиладиган синекдоха ҳам ифодалилик учун хизмат қиласди. Бунда бир бутун нарса, ҳодиса ва инсон ҳақида унинг узвий бир қисми, бўлраги ҳақида фикр юритилади ёки бошқача қилиб айтганда, бутун ўрнида қисм ёки қисм ўрнида бутун назарда тутилади:¹

Одамлар ўз бошин этгали халос

Чиқиб кетдилар у қўлнинг остидан.

Узун қўл кичкина бошин чангаглаб

Энди нолиб юрар элнинг дастидан.

(“Узун қўл ҳақида баллада”, I, 308)

Ушбу мисолдаги “қўл” – қисм бутунни – раҳбарни англатади. Шоир синекдоха орқали ифода этмоқчи бўлган фикрнинг гўзал ва таъсирили бўлишини таъминлаган. Буни куйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин:

Қай бирорнинг моли бисёр,

Қай бирор омадга ёр,

Лек ўтар тирноқча зору

Кўзда ёши шашқатор,

Сизки бор, мендан чекингай

¹ Лапасов Ж. Бадиий мати ва лисопий таҳлил. – Тошкент Ўқитувчи, 1995. – Б.25.

(“Фарзандларим”, II, 163)

Мазкур парчадаги “Лек ўтар тирноққа зор” мисрасидаги “тирноқ” сүзи синекдоха йўли билан “фарзанд” маъносida қўлланган, яъни нуткда “бўлак” (тирноқ) номи билан “бутун” (фарзанд) номланган. Шуни айтиш керакки, шоир шеърларида синекдоха у қадар кенг қўлланмаган. Мисраларда қўлланган айrim синекдоха намуналари эса ўзининг маъно нозиклиги, бадийлиги билан шоир шеърларига кўрк, жило баҳш этган.

Ҳабиб Саъдулла сўзга янги маъно, янги бадий жило бериш учун тинмай изланади бу у яратган эпитетларда ҳам ўз ифодасини топган. Э.Худойбердиев ёзганидек, “У ижод қилиш қай даражада оғир, машаққатли меҳнат эканини яхши билади, оқ қофоз устида, ҳар бир сўз, ибора, жумла устида эринмай, астойдил ишлади”¹.

Шоир шеъриятидаги эпитетларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, улар орқали шоир аниқ ва узок эсда сақланадиган образлар яратган. Сифатлашлар шоирнинг предметга бўлган муносабатини таъкидлайди, характерни айrim жиҳатдан реаллаштиради.

Шоир “Хуш келдинг”, “Наврӯз”, “Наврӯз таронаси” каби шеърларида Наврӯзни ўзгача меҳру муҳаббат билан тараннум этади. У Наврӯзга янгича талқинлару сифатлашлар билан поэтик мурожаат қиласи:

Эй, сен, оламиларни уйготган Наврӯз,
Эй, поклик ва ҳикмат, гўзаллик рамзи.

(“Хуш келдинг”, I, 336)

Бошқа ўринда Наврӯз хурлик тимсоли сифатида мадҳ этилади:
Сен – ҳурлик тимсоли, ҳар нафасингда
Ўқсик кўнгилларга қўйшлар гурур.

(“Наврӯз”, I, 394)

Шоир шеъриятидаги эпитетлар тузилиши, шакли жиҳатидан ҳам турличадир.

Кўпроқ сифатлар ишлатилган:

Юлдузга уришиб қайтди бедармон,
Қалбим дарчасига отилган ул тоши.

¹ Худойбердиев Э. Ӯз асар, 128-б.

Хабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Мени оқ кифтида күттарди оқ тонг,
Күтпиламиңқа чиңди жисламайыб қүёш.

(“Түғилган куним”, I, 132)

Мени тинчшитмаган шу қайноқ шұхом,
Сени ухлатмаган покиза меҳр.
Қалбларымыз наңши чип ахды өафо,
Она алғасидан олинган ахир.

(“Сенинг алланг”, I, 23)

Йүргакда ёпишиган шу ўтлии армон,
Сүнгги нағасгача ушалмас, ҳайқот!
Сенинг фарзандингни, азиз китобхон,
Шундай зияр армондан асрасин ҳаёт!

(“Хотима”, I, 208)

Менинг излаганим сен эдинг танҳо,
Сенки – ишик атап миши қудрат ва туйгу.
Сенки – ҳижендерларга айлаб мубтало,
Тұнлар кипригиидан қочган шүх үйқу.

(“Менинг излаганим”, I, 125)

Сен кетдинг –
Дымогимда сенинг хүш бүйинг қолди,
Күлгімінде дилдор, шүх күйшіг қолди.
Энди келсанг асло кетмагаш дея,
Дил охымда орзунг ва ўйинг қолди.

(“Сен келдинг”, I, 75)

Манглайи серајсін мүйсафиәт тарих.
Не-не қыргынларга бұлса-да шохид.
Асло құрган эмас эъзозлаб даври,
Шараф гүлчамбарин кийганин шаҳид.

(“Үглім билан сұхбат”, I, 204)

Шеърий бандларда “оқ кифт”, “оқ тонг”, “қайноқ шұхом”, “покиза меҳр”, “ўтли армон”, “шүх үйқу”, “шүх күй”, “мүйсафиәт тарих” каби бетакрор әпіттег намуналари шеър гоясини образли ёритишга хизмат қылған.

Шунингдек, шоир шеъриятидаги эпитетлар орасыда “метафорик эпитет”¹ лар ҳам характерлидир. Бундай эпитетлар метафорага яқын бўлиб, шоир маҳоратининг етуклигини намойиш қилади:

Князь ҳайрон эди,
Навкарлари ҳам,
Атрофни кузатди бургут кўз билан
На бирор шарпа бор,
На бирор одам,
Не сир содир бўлди буюк дўст билан?!?

(“Дўст қадри”, I, 354)

Ёки:

Бургут нигоҳ билан боқди атрофга,
Вайронликни қўриб кўнгли гашланди.
Бир жасадни олиб ўтишган топда,
Бошин қўйи солди, кўзи ёшиланди.

(“Йўлбошчи”, I, 385)

Мазкур мисолларда дастлаб “бургут” эпитети “кўзга” нисбатан, кейинги мисолда “нигоҳ” сўзига нисбатан метафорик эпитетлардир. Куйидаги мисолларда ҳам метафорик эпитетларнинг ўзига хос тарзда қўлланғанинги қўриш мумкин:

Олтин рангга кирапкан қумлар,
Карсак чалиб ўйган гужумлар,
Болга тўлиб биллур узумлар,
Япроқлар “гум-қарс”га тушаркан.

(“Лазги”, I, 218)

Ёки:

Англаб етмасданоқ уруш маъносин,
Гунча ҳисларимиз бўлмиши пайҳонлар.
Гарчи киймасак-да, аскар либосин
Йўргакларда ётиб бўлдик қурбонлар.

(“Биз – шундай авлод...”, I, 186)

Дастлабки мисолдаги “билир” эпитети “узумга” нисбатан ва “гунча” эпитети “ҳис” сўзига нисбатан метафорик эпитетлардир. Чунки “билир” эпитети одатда предметларга нисбатан қўлланади, шунингдек, “гунча” эпитети ҳам аниқ бўлган предметларга нис-

¹ Акрамов Б. Шеърннат гавхари. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1979. – Б. 22.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

батан кўлланади. Шоир “Суянчик” шеърида ҳамда “Тирик курбонлар” достонида ҳам метафорик эпитетларни бетакрор намуналарини кўллаган:

*Сен суянган чинор қулаб ҳам кетди.
Чиқилди бошингда соябон толлар
Боқ, бугун bog аро магрур қад керди –
Сен кўзга итмаган мургак ниҳоллар.*

(“Суянчик”, I, 299)

Ёки:

*Узун қўлларини чўзиб осмонга,
Пурвиқор турса ҳам ул кўм-кўк толлар.
Соя солишиса ҳам гарчи ҳар ёнга,
Сингдирисб кетдиллар собит шамоллар.*

(“Суянчик”, I, 299)

Ёки:

*Ахир гуноҳкормас муazzам Ҳаёт
Шундайларни асраб тургани учун,
На чора?
Яхшили, ёмонли зурёд,
Она баҳши этади бор меҳрин кучин.*

(“Нечун...”, I, 196)

Ушбу мисоллардаги “соябон толлар”, “мургак ниҳоллар”, “собит шамоллар”, “муazzам ҳаёт” каби бирималар таркибидаги метафорик эпитетлар орқали шоирнинг оламни бошқача, одатдан ташқари нафис, ёркин, рангин бўёқларда, шаклларда кўриши, сирли, сехрли оҳангни ҳис этиши, нарса ва ҳодисаларга мумкин қадар бошқача ном, бошқача сифат бериши, уларни бўлакча холатда, ўзгача сувратда тасаввур қилиши яққол кўзга ташланиб туради.

Ҳабиб Саъдулла шеъриятидаги сифатлашлар таркиби жиҳатидан ҳам турлича: содда ва мураккаб эпитет¹ тарзида учрайди. Содда ёки якка эпитетлар бир шахс ёки предметнинг ёлғиз ўзига хос, индивидуал белгисини, характерли хусусиятини кўрсатади:

Сехринг билан эрит муз дилларни ҳам,

¹ Акрамов Б. Шеърият гавҳари. – Тошкент: Faifur Fулем номидаги Алабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.20.

Сүқір юракларга зиё бўлиб кир.
Ахир одам учун ганимат одам.
Соҳта кимсаларда уйготгин меҳр.

(“Хуш келдинг”, I, 364)

Ёки:

Мен бугун моши-гурунч соч билан,
Мұхаббат қүшиғин куйлайман...
Убрашиб ул қаламқош билан
Хуш ўтган күнларим ўйлайман.

(“Мен бугун...”, I, 284)

Мазкур мисоллардаги “муз дил”, “моши-гурунч”, “қаламқош” каби содда эпитетлар – мисрага, бандга, ҳатто бутун шеърга маънавий салмоқ, бадиий таъсирчанлик бағишламоқда.

Мураккаб эпитетлар ҳам ўзига хос тарзда, бир шахс ёки бир предметнинг қатор уюшган ёки бир неча хил белгисини қўрсатади. Бу эпитетларни усталик билан қўллай билиш зўр ҳаётий тажриба, зийракликни ва, албатта, бадиий маҳоратни талаб қиласиди. Шоир мисраларида мураккаб эпитет намуналари ҳам ўзига хослиги билан характерлидир:

Сочини ёйиб зарра қадр топмади сумбул,
Бу ҳолни кўриб ўксимагай қайсики кўнгул,
Ҳаттоқи соқов бўлди, тилин тишилади булбул,
Ул лолаву райҳону суман, тоза қизил гул,
Ҳам сарв букулди, қади шамишод эшигингдга.

(“Эшигингдга”, II, 133)

Ёки:

Ватан бўлолмагай менга мутлақо,
Багрида бойликлар сақлаган тоглар.
Тубида жавоҳир асрраган дарё,
Поинига ястанган баҳмал ўтлоқлар.

(“Ватан”, I, 212)

Келтирилган мисоллардаги мураккаб эпитетлар мисралардаги тасвирийликни кучайтириб, шоир ифодаламоқчи бўлган фикрни асосли изоҳлашга хизмат қиласиди.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Шундай қилиб, шоир шеъриятида эпитетлар хилма-хил ва мақсадга мувофик қўлланади. Эпитетлар орқали Ҳабиб Саъдулла тилнинг тасвирий ва кўчма маънолари имкониятидан тўла фойдаланади. Бу эса, тасвирланаётган воқеанинг характерли белгиси ва хусусиятини ёрқин гавдалантиради, шоирнинг унга бўлган муносабатини ифодалайди.

Умуман, шоир тилни тасвирий бўёклари, эстетик функция-сидан, жозибадорлигидан кенг ва тўла фойдаланишга интилади.

3.2. Перифраза ва фразеологизмларнинг лингвопоэтик хусусиятлари

Ҳабиб Саъдулла шеърларини таҳлил қилиш жараёнида ўзбек тили лексикаси фақат янги сўзларнинг пайдо бўлиши ҳисобига эмас, балки тилдаги мавжуд сўзлар маъносини ўзгартириш, кўчма маъноларда ишлатиш, шоиру носирлар томонидан янги-янги лексик ва фразеологик бирликлар яратилиши ҳисобига ҳам бойиб бораётганлигига яна бир карра гувоҳ бўлдик.

Ҳабиб Саъдулла бир предметнинг хусусиятини иккинчи предметга кўчиришда сўзларнинг кўчма нозик маъноларини топиб, улардан кераклиларини танлаб, рандалаб, кирраларини ўткирлаштириб ўқувчига етказишга ҳаракат қиласи. Буни биз шоир яратган перифразалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Перифразалар нарса, воқеа-ходисаларнинг ўз номи орқали юзага чиқмаган муҳим хусусиятларини тасвиirlаб, бўрттириб, изохлаб ва тўлдириб кўрсатади, номни таъсирчан ифодалаш орқали нутққа бадиийлик, образлилик, равшанлик, аниклик ва ёрқинлик бағишлиди. Демак, нарса, воқеа-ходисаларни бадиий таърифу тавсиф билан номлаш тасвирий ифода ёки перифраза деб юритилади.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лексикасида перифразалар алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг бадиий маҳорати маҳсули бўлган перифразалар ўзининг оригиналлиги билан характерланади.

Ҳабиб Саъдулла шеъриятида баҳор фасли ўзига хос иштиёқ ва маҳорат билан тасвиirlанган. Шоир ўзбек мумтоз ва замонавий шеъриятидаги баҳор тушунчасини ифодаловчи уйгониши *fasli*, *fasllar kelinchagi*, яшарини *fasli* каби перифразалар сирасини янги хуммор *fasl*, бедор *fasl*, гулкор *fasl*, дилдор *fasl* каби ҳали ҳозиргача ўзбек бадиий нутқида учрамаган ҳабибона перефразалар билан бойитди.

Шоир яратган баҳорга оид перифразаларда мазкур фаслга хос гўзаллик, ўзгачалик тароват каби табиий белги-хусусиятлар ёрқин акс этган:

*Ўрик гулларида келинлар кўрки,
 Маъсум гунчаларда ибо, нафосат,
 Куёш чеҳрасида барқ урап кулги,
 Нурлар қатимида тенгсиз тароват,
 Наврӯзи олам бу*

Хуммоп фасл бу.

(“Бедор фасл”, I, 279)

Шоир “хуммоп фасл” перифразаси орқали баҳор фаслинни нафакат инсонлар, балки, табиат, бутун бир борлик ҳам “хуммоп” бўлиб, муштоқликк, ташналик ва интиклик каби кутишга боғлик руҳий, ҳиссий кечинмаларни борлигича нозиклиги билан тасвирлашга эришади.

Айрим перифразалар эса шеърнинг бадиийлиги ва образлигини таъминлаш баробарида, шеърнинг поэтик жарангдорлигини оширишга ҳам хизмат қилган:

*Борлиқ ишчиши тирди қишининг кўрпасин,
Кор остида ётган баҳор уйғонмииши,
Дилларда тақородир ишиқ фалсафаси,
Ошикчлар оҳидин дилдор уйғонмииши,
Дардларга маҳкам – бу,
Дилдор фасл – бу.*

(“Бедор фасл”, I, 279)

Шеърда қўлланган “дилдор фасл” перефразаси, дилдан севилган, ардокланган, дилни маҳлиё ва ром қилувчи севикили фасл маъноларини ифодалайди. Шунингдек, шоир перифразалари баҳор фаслининг китобхон илғамаган кирраларини унинг энг муҳим хусусиятлари билан, яъни эпитетлар – сифатлашлар воситасида тасвирлайди:

*Деҳқон орзуларин экар тупроққа,
Ширин хаёлларнинг огушида маст.
Замин шайланмоқда она бўлмоққа.
Ҳарсиглаб – ҳарсиглаб олади нафас.
Йиғнинг наҳори – бу,
Бедор фасл – бу.*

(“Бедор фасл”, I, 279)

Ушбу парчада келтирилган “бедор фасл” перифразаси “уйғониши фасли” тасвирий ифодасига ҳамоҳанг тарзда туну кун ҳараратда, яъни уйгоқ маъноларини англатади.

Шоиримиз борлиққа шунчаки эмас, балки чинакам ошиқ, зийрак шоир, бедор фарзанд нигоҳлари ила боқади ва ўтқир

мушоҳадалар юритиш орқали мафтункор ва бетакрор баҳор қиёғасини жонлантиришга эришади:

*Бу фасл ишқ, орзу, қўшиқ баҳи этиб,
Ёшликни қайтариб бермоққа қодир.
Еллар қанотида гул атрин тутиб,
Эртаниги кунни ҳам уйготаётир,
Юртим баҳори – бу,
Гулкор фасл – бу.*

(“Бедор фасл”, I, 279)

Шоир *гулкор фасл* перефразасида ўзбек тилидаги форс-тожикча -кор аффикси воситасида одатий *нахтакор*, *галлакор*, *тиллакор* каби ясалишлардан фаркли тарзда *гулкор* окказионализмини ясайди ва унга *фасл* сўзини қўшиш билан юқоридаги перифразасини ижод қиласди. Бу билан инсонгагина хос касбий хусусиятни фаслга кўчиради, бадиийликни ифодалайди. Шунингдек, “шоир – замин билан инсонни муштарак уйғунликда, чамбарчас алоқада тасвирлашдан заррача оғишмайди. Замин – ҳосиладор онага ўхшатилади. У она бўлишга шайланмоқда. У “ҳарсиллаб-ҳарсиллаб нафас олади”. Биз сайёрамиз онага ўхшатилишига кўпдан кўникиб кетганмиз, бу болалигимиздан қулоғимизга сингиб, онгимизда ўрнашиб қолган. Шоирнинг муваффакияти шундаки, бизга маълум тушунчага янгича тус беради, уни шоирона жонлантириб, кўнглимизга янада яқинроқ қилиб қўяди. Кўз ўнгимизда фарзандларига меҳр, яхшилик, ризқ-насиба улашаётган меҳрибон она сиймоси намоён бўлади. Шоирнинг маҳорати туфайли Замин ва Она сиймоси илик бир тарзда бирлашиб”¹ уйғунлик касб этади.

Одатда ўзбек тилида -кор қўшимчаси воситасида, асосан, от ясалади. Шоир эса -кор қўшимчаси воситасида *гулкор*, *девкор*, *ҳаёткор* каби ўнлаб сифат туркумига мансуб поэтик сўзлар ясайди ва улар воситасида шеърий оҳангдорликка, жозибадорликка эришади:

*Онагинам, қуёшиимсан,
Мен соядай ҳамроҳинг,
Ҳаёткорим, ўзингдирсан
Пойингдир саждагоҳим!*

(“Онагинам”, I, 175)

¹ Худойбердиев Э. Ҳабиб Саъдулла. – Тошкент: Ижод дунёси. 2004. – Б.57.

Ҳабиб Саъдулла шеърияни лингвопоэтикаси

Ҳабиб Саъдулла шеърларида унга хос викор, самимийлик, кувноқлик, жүшкінлик бүй бериб туради.

Шоир яна ёзади:

Шундай шеър ёзайки, акс этсин умрим:

Тундай сокиң бұлсын, дарёдай тошқин.

Тұғондай сершовқин, вұлқондай жүшікін.

Шундай шеър ёзайки, акс этсин умрим.

Ёки:

Олов пурқаб түрсін ҳар битта сүзи,

Эритисин тош бүлиб қотған дилларни,

Дүстликка үргатсін барча тиілларни,

Олов пурқаб түрсін ҳар битта сүзи

(“Бир шеър”, I, 92)

Ўзбек шеърий нутқида “оқ олтін” (пахта), “зангори олов” (газ), “ўрмон маликаси” (арча), “фаслар келинчаги” (баҳор), “мұйықалам соҳиби” (рассом) каби анъанавий тасвирий ифодалар кенг құлланади. Ҳабиб Саъдулла шеъриятида эса анъанавий тасвирий ифодалардан фарқлы үлароқ янги, унинг ўзигагина хос тасвирий ифодалар құлланған. Бу шоирнинг устоз сүз санъаткорларига бағищланған шеъру достонларida кузатилади:

Үйчан термулганча сархия гүлларга –

Зулфия – шеър мұлқин нок маликаси.

(“Дўрмонда”, I, 267)

Ёки:

Қўшини бօғда кезар ўйчан бир зако

Замон донишманди – Асқад ал-Мұхтор

(“Дўрмонда”, I, 267-268)

Шоир ижодига хос яна бир характерли жиҳат шундаки. У устоз шоирларни нафақат тасвирий ифодалар билан, балки бетакрор, топқырлық ва зүкколик билан яратылған эпитетлар билан таърифу тавсиф этадики, бизнингча, бу поэтик эпитетлар мантикий асосли бўлиб, йиллару асрлар давомида ўз мазмун-моҳиятини йўқотмайди:

Қаршиимдан чиқади төгкелбат Ойбек,

Оламни сидирған чақноқ күзлари.

(“Жароҳат”, I, 376)

Шу шеърда яна “зукко Шайхзода”, “үйчан Миртемир” каби эпитетлар ҳам маҳорат билан қўлланган.

Шоирнинг Ўзбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмадга бағишиланган “Адиг тақдири” достонида яна шундай ўнлаб эпитетларни кузатамиз:

*Пурҳикмат Фитратнинг ўтли қалбидан
Сугуриб олинди эркесвар оҳанг.*

(“Адиг тақдири”, I, 416)

Ёки:

*Гўдакдай беозор Туроб Тўла
Ишдан ҳам бўшатиб, қилурлар таъқиб.*

(“Адиг тақдири”, I, 420)

Чорлайди дарёдил Гафур ал-Ғулом...

(“Адиг тақдири”, I, 428)

Ёки:

*Сўнгиди Шайхзода – донишиманд, кенгқалб
Чиқдию қўтарди аста қаламин.*

(“Адиг тақдири”, I, 429)

Шоир шеъриятига нафақат шахсни ифодаловчи периframалар, шунингдек, бошқа турли нарса, воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи тасвирий ифодалар ҳам бадий сайқал берган.

*Сайҳун, Жайҳун – оби раҳмат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.*

(“Ўзбекистон деган жаннат бу”, I, 366)

Бандда шоир ижодий маҳсули бўлган тасвирий ифодалар бу олмоши воситасида таъкид оҳангি билан қўллангани шеърга ўзгача тантанаворлик баҳш этган.

Шоир шеъриятининг ўзига хос қирраларидан бири – у ўзига хос ташбеҳлар ҳам яратади:

*Бадкор ниятини ўчириб, чизиб,
Тақдир битигилини этурсан таҳрир.
Сенга таъзимдаман баҳри денгизим,
Эй, муаззам ҳаёт – доно муҳаррир.*

(“Шукрон”, I, 206)

Бунда шоир ҳайтни мухаррирга ўхшатган. Шунингдек, мазкур шеърда “*Фашизм вабоси – асрим дажджоли*”, “*Менинг азиз ҳалқим – қудратли даҳо!*” каби мағизи тўқ. оригинал ташбеҳлар яратган.

Ёки:

*Деҳқон – далаға шеър битгуевичи шоир,
Кетмиони қалами,
Меҳнат шахоми.
Табиат устозидир, деҳқончи шогирд,
Бир умр иштиҳон – устюз инъоми.*

(“Деҳқон ва шоир”, I, 373)

Сўз санъаткори ижодида пахта тимсоли алоҳида ўрин тутади. У “Бу шоир юрт...” шеърида пахтани қуйидагича бадиий тавсиф этади:

*Бугун чаноқтардан тўпланиб борар,
Меҳнату шахомидан яралган достон.
Ҳар толиси – бир сўз,
Бир сўзки гавҳар,
Унда жаси заҳмату, шахому, армон.*

(“Бу шоир юрт...”, I, 297)

“Пахта қонуни” номли 7 банддан иборат мувашшахида эса бетакрор усулда “*Покликдан бошланур пахтанинг номи*”, “*Ақлдан олинган иккинчи ҳарфи*”, *X* – ҳарфи хушиликдан эрур *нишиона*”, “*Табарруқлик эрур пахтадаги “T”*”, “*Аҳдан олишгандир сўнгги ҳарфи “A”* тарзда сўздаги ҳарфларга бадиий чизгилар бериб, пахтанинг таърифу тавсиф этади.

Фразеологизмларнинг семантик-грамматик хусусиятларини ўрганиш қанчалик мухим бўлса, уларнинг қандай мақсад заминида барқарор нутқий фигура сифатида қўлланиши ва қандай стилистик мақсадлар учун хосланганлигини ўрганиш ҳам катта илмий-амалий аҳамиятга эгадир¹.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳайтдаги ҳар қандай эпизодик ҳолатлар ҳам ибораларда акс этирилмайди, балки ижодкорда кучли таассурот қолдирган нозик туйғулар уйғота олган, кўпчилик

¹ Абдуллаев А. Ўзбек тілинда экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 39.

учун ибратли, таъсирчан воқеаларгина уларнинг яратилишига олиб келади.

Фразеологизмёлар инсоннинг ташки кўринишида рўй берган физио-биологик ҳолатлар воситасида, унинг ички дунёсидаги руҳий кечинмаларнинг мажозий, бадиий ифодалайди. Бундай ҳолатни тасвирлаш ҳар қандай одамни қўлидан келавермайди. Бунинг учун ижодкордан туғма истеъдод, зукколик, нозик вазиятни илғаб олиш, сўзга чечанлик ва зийраклик талаб этилади. Ана шундай ноёб фазилатлар соҳиби сифатида биз Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдуллани зътироф этишимиз мумкин.

Ҳабиб Саъдулла халқона ибораларни, диалектизмларни, оддий, яъни поэтик лексикага хос бўлмаган сўзларни ҳам шеърий нутққа олиб кирган ва уларга бадиий, услугубий вазифа юклаган. Шунга кўра ҳам шоир мисраларидағи фразеологик бирликлар ўзининг мажозийлиги, истиоравийлиги ва яратилиш жарёнида воқеаликка чамбарчас боғлиқлиги, яъни “қўйма образ”лилиги билан ажралиб туради.

Масалан,

*Хатларингда согинчинги этсанг изҳор,
Йўлларимга қўзинг тўртдирип, бу менга аён.
Ёлгизингни олисда деб ўйлама зинҳор,
Мен ҳар нафас ёнингдаман, азиз онажон!*

(“Икки мактуб”, I, 31)

Мазкур парчада қўлланган “қўзи тўрт бўлмоқ” фразеологизми “согинчни”, “интизорликни”, умуман, “кутишини” ифодалайди. Шоир ушбу фразеологик бирликни қўллаш орқали онанинг фарзанди билан дийдорлашмоққа бўлган истагини не ҷоғли кучли ва ортиқ эканлигини образли тасвирлашга эришган.

Айрим фразеологизмлар фақатгина инсондаги физиологик ва руҳий ҳолатларни ифодалаб қолмай, баъзида ҳётни узоқ вақт кузатиш, таҳлилий хўлосаларни ҳам ифодалайди. Бу жиҳати билан фразеологизмлар мақолга ўхшаб кетади. Буни қуйидаги мисол орқали кўриш мумкин:

*Агар умринг бўйи йигдинг
Чекиб заҳмат зару зумрад,
Кўринмас мисли бир гардинг
Бошинг ёстиққа етганда.*

(“Бошинг ёстиққа етганда”, II, 11)

Ҳабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

Мазкур парчада қўлланган "боши ёстиққа етмоқ" ибораси, хасталик, бетоблик, умуман, "огир дардга чалинмоқ" каби маъноларни англатади. Шонр ушбу фразеологизм орқали, умр бўйи заҳмат чекиб йиғилган бойлик инсон хаста бўлиб боши ёстиққа етса, кўзига кўринмаслиги, кўнглига сифмаслигини афористик ифодалайди.

Айрим фразеологизмлар таркибидаги сўзлар умумлашган кўчма маъно асосида қурилганлиги кузатилади, яъни улар ифодалайдиган маъно заминида метафорик асос мавжуд¹:

*Дасти калта эди,
Бир кун одамлар
Ўзинизнинг одам, дея силлаиди.
Унга тақдирларин инониб, магар
Эзгу ният билан раҳбар сайлаиди.*

("Узун қўл ҳақида баллада", I, 308)

Мазкур парчада қўлланган "дости калта" ибораси, "қўли калта" фразеологизмига синоним тарзда шонр томонидан ижод қилинган бўлиб, луғавий жиҳатдан "ночор одам" маъносини англатади. Ушбу фразеологизм замиридаги метафорик асос эса, маънони экспрессив-эмоционаллигини оширишга хизмат қилган.

Шонр шеъриятидаги фразеологизмларнинг мавзуу доираси, маъновий кўлами кенг. Масалан,

*Унумди, берилган эди узун қўл
Дости калталарнинг бошин силлаига.
Боши силлаи қаёқда? Узун қўл нуқул
Бошлар узра ўйнаб тегарди гаисига*

("Узун қўл ҳақида баллада", I, 308)

Иккинчи мисрадаги *дости калта* фразеологизмига диккат қилинса, у "қўли калта" иборасининг синонимик ўзгартирилган варианти эканлигини кузатиш мумкин. Синонимик ўзгартириш натижасида даражаланиш, яъни маъновий шаклдошлиқ юзага келган: *дости калта* фразеологизмидаги қўли калта бўлмоққа нисбатан фикр кучлирок ифодаланган бўлса-да, аслида бу иккى иборанинг маъно семаси, мазмунан битта тушунчани яъни, "ночор одам" маъносини англатади.

¹ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Ташкент: Фан, 198. – Б. 42

Шу билан бирга, иборанинг маъносини саклааб, уни шаклан кенгайтириш ҳолатлари ҳам мавжуд:

Итмас, сен хурсанг бас, тўхтайди карвон,

Димогингга етмас ҳеч дароз нарвон.

Ҷўнтақдан бир умр узилмас червон,

Тогаларинг бўлса юқорироқда.

(“Тогаларинг бўлса”, I, 320)

Мазкур парчада “димоги баланд” фразеологизмини “димогингга етмас ҳеч дароз нарвон” сифатида шаклан кенгайтирилган ҳолатда қўлланилганлигини кузатамиз. Шунингдек, ушбу иборани “бурни қўтарилган” синонимик варианти ҳам мавжуд бўлиб, ҳар учала фразеологизм гарчи, грамматик ва лексик жиҳатдан бир хил бўлмаса-да, улар англатадиган луғавий маъно битта, яъни кибру ҳавога берилган, бойлиги ёки мансабига берилиб, оддий инсонларни назар-писанд қилмай, гердайиб юрадиган инсон маъносини ифодалайди.

Шу билан бирга, мисраларда тилимиздаги мавжуд ибораларни ҳеч қандай лексик ўзгаришсиз, айнан қўлланган қўринишлари ҳам мавжуд:

Уни ўзи тугиб,

Сўнг ўз кашфидан

Ёқа ушилаб қолмиши табиат – она.

Битта юрак ичра топмишди маскан:

Бир шоҳу

Бир шоир

Ва бир девона.

(“Машраб”, I, 122)

Ушбу парчада шоир она табиатни жонли лавҳаларда чизар экан, ошиқлар султони бўлмиш Машрабни ўзи кашф қилиб, бу кашфидан ниҳоят даражада ҳайратда қолганлигини, ажабланишини “ёқа (си)ни ушиламоқ” фразеологизми воситасида таъсирчан ифодалашга эришган.

Ёки:

Яна ҳузурингга келдим эгиб бош

Хизматинг оклай деб, гайратга тўлиб,

Етти ёши боладай маъсум ва ювоши,

Ва ўн етти яшар ўт ошиқ бўлиб.

Мазкур мисрада кўлланган “бош эгмоқ” ибораси лирик қаҳрамоннинг инсоният, ҳалқ олдиғаги қарздорлик ҳисси туфайли бош эгиши, яъни ўз ҳалқига нисбатан ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши маъносида келтирилган.¹ Бу ўринда лирик қаҳрамоннинг хизматгашай бўлиб, бош эгиб туриши етти яшар “маъсум ва ювоши” болага ҳамда ўн етти ёшли “ўт ошиқ” қа қиёс қилинади.

Кўйидаги мисрада кўлланган “бош эгмоқ” иборасида эса юкоридаги каби қарздорлик ҳисси сезилмайди, балки чуқур эҳтиром маъноси уфуриб туради:

*Қўлларинг кўксингда доим,
Бош эгик, қаддинг букик,
Сенга бундай хуаштавозе
Олий инсонлик шараф.*

(“Шараф”, II, 86)

Гарчанд бир хил ибора қўлланган бўлса-да, шеърий мисрадаги бошнинг эгилиши нафақат ҳурмат, балки такалтуф кўрсатиш маъносини ҳам англаатади.

*Ишиқ бирор қалбида ёқар экар кун,
Бирорнинг бошига савдо соларкан. (II, 90)*

Бошига савдо солмоқ – бошидан турли ҳодисаларни кечириш, сабабчи бўлмоқ маъноларини билдиради. Ушбу фразеологизм “бошига солмоқ” фразеологизмининг кенгайған варианти бўлиб, у орқали шоир ишқ туфайли қийинчилик, азоб-уқубат чекиши маъносини назарда тутмоқда.²

Кўйидаги мисраларда эса шоир “қулоги динг турмоқ” фразеологизмини қўллайди:

*Қатагон майдони.
Тумонат одам.
Шоҳ магрур ўлтифар таҳтиравонда,
Қиличи қонсираб жасалодларнинг ҳам
Қулоги динг турар олий фармонга.*

(“Дўст қадри”, I, 105)

¹ Илм уммонидан қатралар: (илмий маколалар тўплами). – Наманган, 2009. – Б. 19.

² Раҳматуллаев Ш. Ўша лугат, 44-б.

Күлөги динг турмоқ – хабар кутмоқ, шай турмоқ маңносини ифодалайды.

Хар бир одимингда янги бўстонлар,
Дилни сеҳрловчи қасрлар турар.
Шарҳига лол бўлиб шеъру достонлар,
Ёқасини ушлаб асрлар турар.

(“Ўн қадам”, I, 441)

Мазкур парчадаги “ёқасини ушламоқ” фразеологизми – ниҳоят даражада ажабланиш, ҳайратда қолиш маңносини англатади. Шоир бунда жонлантириш орқали инсонларга хос бўлган хусусиятларни ифодаловчи фразеологизмларни асрларга нисбатан кўллар экан, унга янада ўзгача жозиба касб этганлитини кўрамиз.

Шоир фразеологизмларни ҳам шеър қофиясига хос тарзда инверсия билан қўллади, яъни ўзининг поэтик мақсади сари йўналтиради. Масалан,

Мактovлар ўхшайди алдоққа,
Хушёр бўй улардан биродар.
Тўлдириб қўйнинг пуч ёнгоққа,
Сўндирап гайрату ироданг.

(“Мактovлар”, I, 122)

Шеърда шоир қўйнини пуч ёнгоққа тўлдирмоқ фразеологизмини “тўлдириб қўйнинг пуч ёнгоққа” шаклида инверсия билан қўллаб, биринчи мисрадаги алдоққа сўзига ёнгоққа сўзини қофия қилади ҳам оҳангдорлик ҳамда ритмни таъминлашга эришади.

Кўйидаги шеърий парчаларда “боши қўкка етмоқ” ҳамда “боши осмонда” фразеологизмлари синоним бўлиб, беҳад севинч, курсандлик маңноларини англатган:

Ишинг – боилиқлардан қўнгироқ кутмоқ,
Хар бир топшириқдан бошинг осмонда,
Муддаонг шу таҳлил назардан ўтмоқ,
Бошлиқ назаридан қолган ёмон-да.

(“Бечора одам”, I, 310)

Ёки:

Бошим қўкларга етимасму,
Ҳавасдан эл ёниб боқса,
Аё ўнг етти ёшли

Гул узор, ёнимда сен бўлсанг.

(“Ёнимда сен бўлсанг”, II, 28)

Ёки:

Паривашини тиитроқ босди

Таранглайиши асаби.

Қони қайнаб ақли шоиди,

Авжса минди газаби.

(“Чуст ривояти”, I, 144)

Парчада кўлланган “қони қайнамоқ” фразеологизми, аччиқланиш, қизишмок, умуман, газабланиш маъноларини ифодалайди.

Куйидаги мисраларда эса шоир амалга ошмайдиган беҳуда гаплар билан алдайдиган инсонларга нисбатан, “кўйнини пуч ёнгоққа тўлдиримоқ” иборасини кўллайди:

Мактоворлар ўхшайди алдоққа,

Хўшиёр бўй улардан, биродар.

Тўлдириб қўйнинг пуч ёнгоққа,

Сўндириб гайрату цроданг.

Гарчи сен қатрасан, келса гал,

Ўхшатиб қўйшишар дарёга.

(“Мактоворлар”, I, 119)

Булардан ташқари, шоир шеърларида “Лабингдан бол томар ҳай-ҳай”, “Бошимга тоғж айлай, Ҳабиб” сингари қайта жилолаган фразеологизмлар ҳам мавжуд.

Умуман, шоир шеъриятидаги фразеологик бирликлар ўзининг сиқиқлиги, кучли бўёқдорлиги, образларга бойлиги, мажозийлиги, истиоравий-лиги ва яратилиш жараёнида воқеаликка чамчарчас боғлиқлиги билан характерланади.

3.3. Ҳабиб Саъдулла афоризмларининг услубий хусусиятлари

Халқ мақолларию маталларини, ҳикматли сүзларни мутолаа қилар экансиз, “Улар қаердан туғилади?” деган савол хаёлингизга келади. Мақоллар, маталлар, ҳикматли сүзлар ҳаётдан туғилади. Ҳар қандай ҳикмату мақолу маталнинг мантикий асоси ҳаёт. Ҳаёттый воқеа-ҳодисалар, фалсафий хulosалар ва тажрибаларнинг лисоний ифодаси ҳикматлар тусини олади.

Абдулла Қодирийнинг “Халқ ҳикматлари – турмуш онасининг дард чекиб туқкан түнгіч ўғли”, – деган фикри ҳам бу мулоҳазамзининг ёрқин исботидир. Албатта, бу мажозий изоҳ шоиру адиллар яратган ҳикматларга ҳам тааллуклидир.

Ҳикматлар сираси алломалар, донишмандлар, шоиру адиллар томонидан бойитиб борилади.

Ҳикмат сүзининг луғавий маъноси “ўта донолик, ақл-заковат билан оқилюна айтшган, “михлаб қўйилган” ўзгартириб бўлмайдиган чуқур маъноли гап”, демакдир.

Ҳадисда: “Шеърда ҳикмат бор”, – дейилади. Бу, албатта, ҳақ гап. Шоирларнинг қалб қўри, тажрибаси, маҳорати, таланти ва заҳматлари-ла яралган айрим шеърлар, шеърий парчалар, байту мисралар ўзининг мазмун-моҳияти билан ҳикматга айланади. Ҳар бир шоиру носир ижодини кузатсангиз ўнлаб, юзлаб ҳикматларни ўқийсиз ва уқасиз.

Ҳикматли сүзлар адабиётшуносликда адабий жанр сифатида афоризмлар деб юритилади. Афоризм (юн. *aphorísmos* – таъриф, ихчам ифода), ҳикматли сўз – муаллифи маълум бўлган, ихчам шаклда ва таъсирли ифода этилган умумлашма фикр.²

Адабий жанр сифатида афоризм воқеликнинг ўзини эмас, балки воқелик ҳақида ибратли хulosани, доно ҳукмни ифодалайди. Шу боис афоризм якка, алоҳида шахслар ҳақида мулоҳаза юритмайди, аксинча, якка, алоҳида шахслар тимсолида тажассум топган инсонлар гурухи, табақаси, тоифаси ёки, умуман, башар фарзанди ҳақида хulosса беради. Мана шунинг учун афоризмни ҳар қандай ижодкор яратавермайди. Ушбу жанрга қўл урувчи ижодкор инсон ва ҳаёт, умр мазмуни ва тириклик моҳияти, зэгулик ва ёвуз-

¹ Шомақсұдов Ш., Шорахмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: 1990. – Б. 7.

² Қуров Д., Мамажонов., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 41.

лик ўртасидаги абадий кураш хақида муайян холосаларга келган ҳамда бу холосаларни бетакрор шақлий ифодаларда, кенг фалсафий қамров ва талқинда айта олиши ҳам зарур. Бундай давр, яъни афористик фикрлаш ва қамров фалсафий-аҳлоқий талқин, таҳтил кўпроқ ижодкорлар ҳаётининг энг сўнгги даврларида ижодий самараларининг қаймоги сифатида бўй кўрсатади. Шунда ҳам афоризм яратиш барча қалам ахли ёки файласуфлар ижодида эмас, балки, асосан, мутафаккир ижодкорларга насиб этади. Бу Наманган адабий мухитининг етук вакили ва сарбони бўлган Ҳабиб Саъдулла шеъриятида ҳам ёрқин кўринади.

Ҳабиб Саъдулланинг шеърияти ҳам ҳикматли шеърият.

Ҳабиб Саъдулла афористика ривожига бенихоя улкан ҳисса кўшди. Зеро, у яратган афоризмлар ўзининг ҳалқчиллиги, соддалиги, мантикийлиги, образлилиги, пурмаънолилиги билан характерланади:

Еткасин

Гар туттмаса чиқмас эдинг,

Томга чиқҷач

Шотини камситмагил.

(“Камситмагил”, II, 52)

каби афористик мисралари ҳаёт, умр қадрини, инсонийлик, устозлик қадрини чандон улуғлашга даъват этиб туради, одамнинг замон ва ундаги камарбаста инсонлар олдидаги қарздорлик туйғусини кучайтиради.

Шоир, аввало, турли афоризмлар (ҳикматлар) ни бевосита ўзи яратади, яъни унинг кечинмалари, ўй-хаёллари руҳидан пурмаъно лавҳалар, фалсафий ўйчан образлар туғилиши мумкин, қолаверса, у анъанавий-халқчил ҳикматлардан ҳам ижодий фойдаланади; табиий, улар шоир таассуротларига сингдирилган, хотира дафтари-дан ўрин олган ижодий ишланиб, индивидуал характер касб этган. Шунинг учун шоир афоризмлари фикран турғунлик ё “бегоналик” хавфидан узок бўлиб, у шеърнинг мантикий бўлагига, фалсафий мағзига айланган.

Шоир ўз мисраларида ҳалқ мақолларидан икки хил йўл билан фойдаланганлигини қузатиш мумкин:

1. Ўзгаришсиз, айнан кўлланган мақоллар:

*Бошга тушигани кўз кўрар
дерлар.*

Ёки:

*Матрос дүстлигига қылма хиёнат,
Кемага тушғаннинг, – дерлар, – жони бир.*

(“Матрос дүстлигига”, I, 40)

2. Мазмуни (маъноси) сақланған ҳолда шакли ўзgartирилиб күлланған мақоллар:

*Қорни очдан құрқма, құзи очдан құрқ,
Қорни оч бир бурда нонга түяди.
Құзи оч касофат қүзин қилиб лүк,
Нон берган құлинин гәжисиб қүяди.*

(“Тұртликлар”, I, 392)

Мазкур сатрларни ўқир экансиз, бевосита, халқ орасида азалдан мавжуд ва хозирда ҳам тез-тез күлланиб турадиган “*Құзи түқнинг ўзи түк*” “*Құзи түйса ҳам ўзи түймас*” каби ибратомиз халқ мақоллари ёдигизгә тушиши аниқ.

Зеро, шоир бу ҳикматларни инкор этмагани ҳолда уни ўзгачароқ талқын этар экан, “*Құзи оч касофат қүзин қилиб лүк, Нон берган құлингни гәжисиб қүяди*” дея жонли лавҳалар чизиш орқали ориятсиз, суллоҳ кишилардан эхтиёт бўлишга даъват этади.

“*Құзи оч*”, “*құзи түк*” иборасининг антоними бўлиб, “*очкүз, ориятсиз, суллоҳ, бети қалин, тамагир одам*” тушунчасини ифодалайди. Демак, шоир сермантик жиҳатдан зид маъноли ибораларни маҳорат билан күллаш – тазод санъати асосида яратган бу ҳикматомуз мисраларда “*қорни оч*” озгина овқат – бир бурда нон билан түйишини, лекин “*құзи оч*” суллоҳлар ҳеч нарсага түймасдан, “*құзини лүк қилиб*” ўзига яхшилик қилган, мурувват кўрсатган кишиларга ҳам озор етказишини – “*нон берган құлинин гәжисиб қўйишини*” таъкидлайди. Кўринадики, ҳикматга айланған шеърда ҳаётий фалсафа мажозий тарзда маҳорат билан ифодалangan.

Шунингдек, шеъриятда нонни эъзозлаш ҳақида кўп ёзилгани, матбуотда, ойнаи жаҳонда бу тўғрида кўп гапирилгани маълум. Шоир бу ҳақда катта кашфиёт яратиб қўйган. Аммо у ҳаммага таниш ва маълум мавзуда қалам тебратар экан, юракка яқин мисралар, киёслар, фалсафий фикр, умумлашмалар топа олганини

так олмаслик ҳам мумкин эмас. Мана унинг ҳикматона дил сўзлари:

*Сен ҳаётдан англагин бир
Бурда ноннинг қадрини,
Етмасанг қадрига бир кун,
Зор этар бир бурда нон.*

*Нон – ҳалоллик, ҳам яратгай
Ул ҳалол меҳнат билан,
Ким ҳаром қўй урса охир,
Хор этар бир бурда нон.*

(“Бир бурда нон”, II, 69)

Маълум маънодаги фикрни ўзгачароқ шонронда айтиш ижодкорнинг кашфиёти саналади. Ҳабиб Саъдулла афоризмлари, балким, қайсиdir жиҳатлари билан мавжуд ҳалқ ҳикматларию мақолларига яқин бўлиши мумкин, бироқ бундан айнан, ўша ҳикматларни ўзгинаси деган хуносага бормаслик лозим. Унинг шоирона хитоб билан айтилган:

*Истасанг инсон бўлишини
Аевало инсонни сев...*

(“Сев”, II, 24)

Ёки таъкид-ла жаранглаган:

*Эсда тут, ҳар қилмишинга
Ер гувоҳ, осмон гувоҳ...*

(“Сев”, II, 24)

каби мисралар, албатта, ҳабибона ҳикматлардир.

Риторик ундов оҳангидаги қуйидаги шеърнинг ҳар бир банди ҳабибона ҳикматлардир:

*Мардинги қилма, эй, ҳаёт,
Номардга рўбарў.
Номардни этма бир нафас
Жўмардга рўбарў.
Бир мард топар ҳиммат билан
Минг дардга ҳам диво,
Номард қилур ўз кори-ла
Минг дардга рўбарў.*

Шоир оддий ҳаёттің ҳодисалар күзатувидан ҳам фалсафий ҳикматли ва ибратли холосалар чиқаради. Масалан, үз номи билан бир ажыб ҳикмат ҳақидағи “Ажыб ҳикмат” шеърида чумоли мисолида ўкувчига ибрат сабогини уқтиради:

Чумоли умрида ажыб бир ҳикмат:

Ерда түгелгапта ердадир ҳаёт.

Кимки құзга шлай чиқарса қанот,

Унга ёр бұлгуси фожеей ҳаёт.

(“Ажыб ҳикмат”, I, 263)

Шоир айрим ҳикматли холосаларға ҳабибона, яъни ўзгача сайқал беради. Чунончи, у ҳақиқаттің яхлиту салмоқдорлигини таъкиду ташбекшілер бир ифодалайди:

Ҳақиқат биттадир,

Ҳақиқат каттадир...

Бошқа ўринда:

Ҳақиқат яхлитдир,

Бир ёмби тахлитдир.

(“Ҳақиқат”, I, 297)

Албатта, такорланмас шеърий иқтидор маҳсулі бўлган юқоридаги ташбеху қиёслар билан йўғрилган ҳикматли сатрларда юксак ҳаёттій фалсафа бор.

Шоирнинг маҳорати шундаки, оддий воқеликдан фалсафий холосалар топиш баробарида уни бадий ифода этадики, унинг замирида яна бир ўзгача мазмун, илмий тил билан айтганда таг маъно яширинган бўлади. Масалан, шоир ҳасса ва унинг қўлланишидан ҳикматли холоса чиқарап экан, унга тардиакс санъати воситасида сайқал беради:

Одам ҳасса учун яралган эмас,

Ҳасса одам учун яралмии асли.

(“Нечун”, I, 194)

Шоир оддий ҳаёттій нарса, воқеа-ходисотлардан фалсафа топади ва уни ўкувчига бадий либосда илинади. Масалан, “Шах-

Хабиб Саъдулла шеърияти лингвопоэтикаси

мат тахтасида” шеърида шахмат тахтасини тарих, ҳаёт саҳнига менгзайди:

*Менинг назаримда шахмат тахтаси –
Тарихнинг саҳнаси,
Ҳаёт саҳнаси.*

(“Шахмат тахтасида”, I, 331)

Шонир шеъриятида бундай ҳикматларни жуда кўп кузатасиз:

*Ҳаёт – она эрур бор коинотга,
Унинг фарзандидир бутун мавжудот.*

(“Нечун”, I, 196)

Ёки:

*Мансаб – тушига кирган нодир хазина,
Ҳеч килига, ҳеч қачон, ҳеч вафо қитмас.*

Ёки:

*Бахт шудир: суяниб ўз меҳнатингга
Бир бурда нонингни тополсанг ҳалол.*

(“Эркакнинг бахти”, I, 301)

*Ҳаёт аталувчи мангалик бозор
Ажратар ботириу марду даҳони.*

(“Маслаҳат”, I, 139)

*Курашдан иборат бу ҳаёт боги
Бўрон, довулларни кўп кўргай, кўрган.
Ўртанимайин дессанг довуллар чоги
Чинорга суянмай яшишини ўрган.*

(“Суянчик”, I, 299)

*Бошга кулфат тушиса билингай дўстлар,
Беадад ҳимматин илингай дўстлар,
Дўстига тиг тегса тилингай дўстлар.
Дўстликка фидолик энг олий ҳавас.*

(“Дўстлик”, I, 223)

Тил билан тезлашимас давр шиддати.

(“Улар”, I, 294)

Унинг баъзи ҳикматлари бутун ўзбек ҳалқининг ҳаётий хуносалари янглиғ янграйди:

Аждодларнинг ҳукми тарих ҳукмидир.

(“Аждодлар ҳукми”, I, 382)

Бу каби пурмаъно ҳикматлар ўзбек тили ҳикматлари гулшанида ўзгачалиги, шоиргагина хослиги билан характерланади. Зеро, шоир ўз маҳорати орқали ёмон иллат ва хислатнинг инсонга келтирадиган зиёнларини бир жумла воситасида ибратли очиб беради. Шу боис шоир мисраларида ҳар бир жумла, ҳар бир банд замирида ҳикматли мазмун бўй кўрсатиб туради.

Умуман, Ҳабиб Саъдулла ўқувчи қалбидагини айнан топиб айтадиган, бир сўз билан айтганда жуда-жуда кам учрайдиган зукко шоир бўлиб, унинг кўп шеърлари ҳикмат сувини ичган десак, хато бўлмайди.

Ҳ.Саъдулла “Шоир ва шеър” номли битигида:

Дўстларим, шоирлик даъвоси бекор,

Бекордир минбардан омад кўзлашим.

Шеъри тўгрисида шоирмас, зинҳор,

Шоир тўгрисида шеъри сўзласин,

— деб ёзар экан, шоирнинг иқтидори, таланти, маҳорати, ички дунёси унинг шеърида зухур этишини таъкидлайди.

Шубҳасиз, бу хитобида шоир минг бор ҳақ эди. Балки, биз ҳам шоирнинг сатрларига амал қилганимиз ҳолда у ҳақда батафсил тўхталиб ўтироқчи эмасмиз.

Зеро, у ҳақда билишни истасангиз, унинг ҳикматга йўғрилган сатрларига бокишингизнинг ўзи кифоя:

Агар сен норасо бўлсанг,

Бу олам норасо сенга

Ҳаётда нораво бўлсанг,

Ҳаёт ҳам нораво сенга.

(“Агар сен...”, II, 7)

Ёки:

Кетмайсан сен уни ортмоқлаб,

Олам — бу мулк эмас ўйлагил.

(“Бағрингни кенгроқ қил”, I, 220)

Хонадонингда йўғингни

Бор этар бир бурда нон,

Йўқ, эса дунёни кўзга

*Дигда турганда мүқаддас ганжэ эди,
Тилга чиққач этди күп овора гап.*

(“Үртамизда”, II, 73)

юқоридаги каби ўнлаб шоир шеъриятига хос ҳикматлар фикри-
мизниң ёрқин далилидир.

Қисқаси, шоир афоризмларида ўзига хос бадиий хукм, фалса-
фий хулоса мужассам. Халқ мақоллари таъсирида шоир томонидан
“кашғ этилган” афоризмлар шеърларнинг таъсирчанлигини, поэтик
салмоқдорлигини таъминлаган.

Умумий хуросалар

1. Ҳабиб Саъдулла ўз шеърларида лисоний воситалардан ва поэтик услубий анъаналардан моҳирона фойдаланган ҳамда ўзига хос оригинал услубини яратадан олган, бу шоир шеърларининг услубан равон ва халқчиллигида, ритмик жозибадорлиги ва ўйноқилигида ёркин кўринади. Фикримизни шоирнинг жуда кўп шеърларини кўшиқ қилиб айтилиши ҳам тасдиқлади.

2. Шоир аллитерация, ассонанс, эпифора, геминация каби фонетик воситалардан юксак маҳорат билан фойдаланиб, ўз шеърларига оҳангдорлик ва жозибадорлик бахш этган.

3. Ҳабиб Саъдулла шеъриятининг бадиий жозибадорлигини таъминлашда, фикрларни ихчам, образли, бадиий, таъсиричан ифодалашда кўчимларнинг, хусусан, метафора ва метонимияларнинг ўрни бекиёсдир. У кўллаган поэтик метафора ва метонимиялар турли шеърий санъатларни юзага келишига асос бўлган.

4. Ижодкор қўллаган перифразалар унинг бадиий тафаккури, юксак шеърий иқтидори, дунёқарashi ва бадиий салоҳияти маҳсули бўлиб, ўзбек тили поэтик лексикасини бойитган.

5. Ҳабиб Саъдулла поэтик такрордан унумли фойдаланиб, сўз, сўз бирикмаси, гап шаклидаги анафоранинг гўзал намуналарини яратган ва улар воситасида шеърий фикрни таъкидлаш ҳамда тасиричан ифодалашга эришган.

6. Шоир инверсия, эллипсис каби поэтик синтактик унсурлардан ҳам ўринли фойдаланиб, шеърий ритм, вазн ва қоғия талабларини бажаришга эришган ҳамда ўзининг лирик мушоҳадаларини ихчам, сиқиқ ифодалаган.

7. Шоир афоризмлари замирида ўзига хос бадиий ҳукм, фалсафий хуроса ётади. Халқ мақоллари ва маталлари таъсирида шоир томонидан “кашф этилган” афоризмлар шеърларнинг таъсиричанилигини, поэтик салмоқдорлигини таъминлаган.

Қисқаси, Ҳабиб Саъдулла ўзбек тилининг фонетик-фонологик, лугавий-маъновий, синтактик воситаларидан маҳорат билан фойдаланиш асосида, ўзи орзу қилганидек, шеъриятда бобурона санъаткорликка, машрабона халқчилликка ва огаҳийона ўйноқиликка эришган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессионистикнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983
3. Акрамов Б. Шеърият гавҳари. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
4. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
5. Ибрагимова Ф. Бадний матнда эллипсис ва жим қолиш муносабати хусусида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. - №6. – Б. 18.
6. Илм уммонидан қатралар: Илмий мақолалар тўплами. – Наманган, 2009.
7. Йўлдошев М. Бадний матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007.
8. Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадний матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент, 2007.
9. Лапасов Ж. Бадний матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
10. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
11. Раҳимжонов Н. Шоирнинг буғдой сўзи// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2011, 6 май, № 19.
12. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразсолологик луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.
13. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент, 1987.
14. Саъдулла, Ҳабиб. Танланган асарлар. 1-жилд / Масъул мухаррир Ҳ.Шарипов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 448 б.
15. Саъдулла, Ҳабиб. Танланган асарлар. 2-жилд / Масъул мухаррир Ҳ.Шарипов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 272 б.
16. Тилшунослик масалалари: (Илмий мақолалар тўплами) – Тошкент: Фан, 1978.
17. Худойбердиев Э. Ҳабиб Саъдулла. – Тошкент: Ижод дунёси, 2004.

18. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Шарқ, 2008.
19. Эрманбетова Ш. Ҳабиб Саъдулла лирикаси. – Тошкент: Мухаррир, 2012.
20. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. – 1-5- жиллар.
21. Ўринбоев Б., Кўнгурор Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
22. Кўнгурор Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
23. Шомақсұдов А., Расулов И., Кўнгурор Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
24. Курбонов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2010.
25. Фуломов А., Тихонов Н., Кўнгурор Р. Ўзбек тили морфем лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977.
26. Ҳабиб Саъдулла // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2005. – 11-ж. – Б. 251.
27. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|--------------|
| Сўз боши..... | 3-8 |
| 1-боб. Ҳабиб Саъдулланинг шеъриятида фонетик воситаларнинг қўлланиши ва уларнинг лингвопоэтик хусусиятларн..... | 9-19 |
| 1.1. Аллитерация ва унинг лингвопоэтик табиати..... | 9-14 |
| 1.2. Ассонанс ва эпифоранинг лингвопоэтик хусусиятлари..... | 15-19 |
| 2-боб. Шоир шеърларида поэтик такрор ва унинг лингвопоэтик хусусиятлари..... | 20-43 |
| 2.1. Поэтик такрорга асосланган шеърий унсурларнинг лингвопоэтик табиати..... | 20-29 |
| 2.2. Поэтик инверсия ва эллипсис..... | 30-43 |
| 3-боб. Ҳабиб Саъдулланинг лексик-семантик ва услубий воситалардан фойдаланиш маҳорати. | 44-75 |
| 3.1. Ҳ. Саъдулланинг метафора ва метонимиядан фойдаланиш маҳорати..... | 44-55 |
| 3.2. Перифраза ва фразеологизмларнинг лингвопоэтик хусусиятлари..... | 56-67 |
| 3.3. Ҳабиб Саъдулла афоризмларининг услубий хусусиятлари..... | 68-75 |
| Умумий хуносалар..... | 76 |
| Фойдаланилган адабиётлар..... | 77-78 |

**УЛУҚОВ НОСИРЖОН
СОЛИХҮЖАЕВА ҲАВАСХОН**

**ҲАБИБ САҶДУЛЛА ШЕҶРИЯТИ
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

Мұхаррір:

Зиёвиддин МАНСУР

Техник мұхаррір:

Иброхим ЮСУПОВ

Мусағұх:

Дилобар ТҰРАБОЕВА

Теришга берилди: 17.02.2017. Босишга рухсат этилди: 15.03.2017 й.
Бичими 60x42 1/16, Ҳажми 5 босма табоқ.
Адади 200 нұсха. Биринчи завод 100 нұсха
Баҳоси келишилған нархда.



“НАМАНГАН” НАШРИЁТИ
Наманган шаҳри, Навоий қўчаси, 36.
Нашриёт лицензия раками АI – 156
2009 йил 14 августда берилган

**“Водий полиграф” МЧЖ босмахонасида чоп этилди
Манзил: Наманган шаҳри, Галаба қўчаси, 19- ўй**



ISBN 978-9943-3891-8-2

9 789943 389182